

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ 22-23-сон
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ (314-315)
ТЎПЛАМИ 2008 й.
май-июнь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

-

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

196. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сонли қарорига ўзгартиш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 23 майдаги ПҚ-876-сон қарори
197. «Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 26 майдаги ПҚ-877-сон қарори
198. «2008 — 2010 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 майдаги ПҚ-879-сон қарори

Учинчи бўлим

199. «Ота-онасининг қаровисиз қолган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган болалар учун Болалар шаҳарчалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 22 майдаги 104-сон қарори
200. «Васийлик ва ҳомийлик органига ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 майдаги 110-сон қарори
201. «Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 27 майдаги 112-сон қарори
202. «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 29 майдаги 114-сон қарори
203. «Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институти фаолиятини ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 майдаги 115-сон қарори
204. «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида («Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелдаги ЎРҚ-154-сон Қонуни)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 2 июндаги 117-сон қарори

Бешинчи бўлим

205. «Монополист бирлашмалар (корхоналар) давлат реестрини тузиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2008 йил 25 апрелдаги 7-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 27 майда 1064-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
206. «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга тааллуқли ижтимоий-ҳуқуқий ҳужжатларни талаб қилиб олиш бўйича хориждан келиб тушган сўровномаларни ижро қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги Бош директорининг 2008 йил 28 апрелдаги 10-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 28 майда 373-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

207. «Ўзбекистон Республикаси давлат архивлари ўқув хоналарида фойдаланувчиларнинг ишлаш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги Бош директорининг 2008 йил 28 апрелдаги 11-сонли буйруғи. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 28 майда 1053-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)*
208. «Энергетика ишлаб чиқариш корхоналарида ходимлар билан ишлашни ташкил этиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси «Ўздавэнергоназорат» бошлиғининг 2008 йил 30 апрелдаги 84-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 28 майда 1178-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
209. «Захираларни шакллантириш учун зарур бўлган озиқ-овқат товарларини сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлигининг 2008 йил 28 майдаги 7, 01-02/22-40, 53-сонли қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 28 майда 1816-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)*
210. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Давлат реестридан чиқариш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2008 йил 29 майдаги 118-мх-сонли буйруғи. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 29 майда 1817-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)*
211. «Пеняларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги сертификатларни чиқариш, ҳисобга олиш, сақлаш ва бериш вақтинчалик тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2008 йил 26 майдаги 52-сонли буйруғи. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 29 майда 550-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)*
212. «2008 йилда олий таълим муассасаларига фойсиз бюджет ссудаларини ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008 йил 28 майдаги 60, 152-1-сонли қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 29 майда 1818-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)*
213. «Жисмоний шахслар номига жўнатиладиган товарларга нисбатан божхона тўловларини ҳисоблаш ва ундириш бўйича Тушунтиришни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлигининг 2008 йил 20 майдаги 01-02/8-24, 45-сонли қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 30 майда 549-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)*
214. «Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ягона баҳоларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс этириш Тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 27 майдаги 53, 2008-26-сонли қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 30 майда 458-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)*

215. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сонли Фармонида кўзда тутилган товарларнинг ТИФ ТН бўйича кодларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 19 майдаги ЭГ-01/10-1832, 37, 01-02/8-22 -сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 30 майда 1170-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
216. «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 17 майдаги 12/1-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 31 майда 1080-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
217. «Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низомни қисман ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 3 майдаги 11/4-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 3 июнда 662-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2008 йил 24 майдан 6 июнгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

196 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сонли қарорига ўзгартиш киритиш тўғрисида

2008 йилнинг 1 апрелидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг янгиланган Товар номенклатурасини ҳаракатга киритилиши муносабати билан (2007 йилги версия):

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган акцизга тортиладиган товарларга акциз солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг Товар номенклатураси (2007 йилги версия) янги ўнталик кодлари бўйича иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сонли қарорида:

а) 3-банднинг тўққизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«республикада ишлаб чиқариладиган товарларга акциз солиғи рўйхат бўйича 12-1-сонли иловага мувофиқ»;

б) 12-2-сонли илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 23 май,
ПҚ-876-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**197** Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумати ўртасида 2008 йил 17 март Абу-Даби шаҳрида имзоланган иқтисодий, савдо ва техникавий ҳамкорлик ҳақидаги Битим;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумати ўртасида 2008 йил 17 март Абу-Даби шаҳрида имзоланган инвестиция соҳаси ва фискал ишлар ҳақидаги ҳадли Битим тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартиб-қоидаларини бажаргани тўғрисида тегишли билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргандан кейин Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

—
**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

+

Тошкент ш.,
2008 йил 26 май,
ПҚ-877-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**198** 2008 — 2010 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида

Импорт ўрнини босадиган ва рақобатбардошли замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, тармоқ ичида ва тармоқлараро саноат кооперациясини мустаҳкамлаш, аҳоли бандлигини ўстириш, шунингдек ўтказилган Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси якунларини ҳисобга олган ҳолда:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси

томонидан республика компаниялари, уюшмалари ва корхоналари билан биргаликда ишлаб чиқилган 2008 — 2010 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури маъқуллансин. Дастур:

2008 — 2010 йилларда саноат маҳсулотларининг асосий турларини ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳаллийлаштириш даражасининг 1-иловага* мувофиқ мақсадли параметрларини;

2008 — 2010 йилларда бутловчи узеллар ва деталлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳаларининг 2 ва 2а-иловаларга* мувофиқ рўйхатини;

2008 — 2010 йилларда тайёр маҳсулотлар, материаллар ва хом ашё турларини маҳаллийлаштириш лойиҳаларининг 3 ва 3а-иловаларга* мувофиқ рўйхатини;

спорт инвентарлари ва ўқув анжомлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш 2008 йилда тугалланадиган лойиҳаларининг 4-иловага* мувофиқ рўйхатини;

мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан ўзлаштиришга тавсия этилаётган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмларнинг 5-иловага** мувофиқ рўйхатини ўз ичига олади.

2. 2 ва 3-иловаларга киритилган корхоналар 2011 йил 1 январгача:

четдан келтириладиган технологик асбоб-ускуналар ва улар учун эҳтиёт қисмлар, шунингдек маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда технологик жараёнда фойдаланиладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган компонентлар учун божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари);

маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича фойда солиғи, ягона солиқ тўлови (солиқ солишининг содалаштирилган тизимини қўллайдиган субъектлар учун);

маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғи тўлашдан озод қилинсин.

Бунда 2а, 3а ва 4-иловаларга киритилган корхоналар учун ушбу бандда назарда тутилган имтиёзлар 2009 йил 1 январгача берилади.

3. Белгилаб қўйилсинки, ушбу қарорнинг 2-бандида назарда тутилган имтиёзлар берилиши муносабати билан бўшаб қоладиган маблағлар янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга, шунингдек фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни кенгайтиришга, реконструкция қилишга, модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ва материаллар сотиб олишга, Маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга жалб қилинган корхоналарнинг муҳандис-техник ходимларини рағбатлантиришга йўналтирилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Адлия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда Маҳаллийлаштириш дастурида қатнашувчи корхоналарга берилаётган имтиёзларини қўллашнинг янгиланган тартибини тасдиқласинлар, унда корхоналарнинг лойиҳалар параметрларини бажариш бўйича аниқ мажбуриятлари ва жавобгарлигини, шу жумладан уларга белгиланган параметрларни, биринчи навбатда, маҳаллийлаштириш даражасини асосиз равишда бажармаганлик учун молиявий санкциялар белгилашни назарда тутсинлар.

5. Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширили-

* 1 — 4-иловалар берилмайди.

** 5-илова рус тилидаги матнда берилган.

шини таъминлаш бўйича Махсус комиссия таркиби 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансин, унга, маҳаллийлаштиришнинг белгиланган даражасини пасайтиришни истисно қилган ҳолда, Маҳаллийлаштириш дастури лойиҳалари параметрларига тузатишлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасига Махсус комиссиянинг таклифлари бўйича 2 ва 3-иловаларга киритилган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш параметрлари ва рўйхатига, шунингдек 5-иловага киритилган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар рўйхатига ўзгартиришлар киритишга рухсат берилсин. Бунда 2 ва 3-иловаларга биринчи навбатда 5-иловада акс эттирилган, шунингдек Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ўтказиш давомида аниқланган талабдан келиб чиқиб мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан ишлаб чиқариш назарда тутилаётган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмларни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга йўналтирилган лойиҳалар киритилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда Савдо-саноат палатаси лойиҳаларни танлаш, киритиш ва чиқариб ташлашнинг очиқ-ошкора механизми ва мезонларини, хўжалик юритувчи субъектларнинг буюртманомалари ваколатли органлар ва Махсус комиссия томонидан қўриб чиқилишининг аниқ муддатларини ва Маҳаллийлаштириш дастурига киритилаётган ўзгартиришлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинишини назарда тутадиган Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш тартиби тўғрисидаги низомни бир ой муддатда қайта ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

8. Идоралараро божхона-тариф кенгаши республикада ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё ва материалларга, шунингдек мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари учун кенг рақобат муҳити ва қулай шарт-шароитлар яратилиши зарурлигини назарга тутган ҳолда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида серияли ишлаб чиқариш ўзлаштирилган маҳсулотларга импорт божхона тўловларини мақбуллаштириш бўйича таклифларни мунтазам равишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳаларни амалга оширишнинг бориши устидан тизимли мониторинг ўрнатсин ва ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси:

саноат кооперацияси алоқаларини чуқурлаштириш ҳамда маҳаллий хом ашёни қайта ишлашга ва замонавий технологияларни жалб этишга асосланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни кенгайтириш тадбирлари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини;

мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан ўзлаштирилиши тавсия этилаётган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар рўйхати тўғрисида мунтазам ахборот бериб борилишини таъминласинлар.

11. Қўйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

* 6-илова берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2006 — 2008 йилларда маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида» 2006 йил 22 июндаги ПҚ–386-сон қарори;

Вазирлар Маҳкамасининг «2006 — 2008 йилларда маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурига тузатишлар киритиш тўғрисида» 2007 йил 8 майдаги 93-сон қарорининг 1-банди.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 28 май,
ПҚ–879-сон

+

-

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

199 Ота-онасининг қаровисиз қолган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган болалар учун Болалар шаҳарчалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни тарбиялашнинг шакл ва методларини такомиллаштириш, оила шароитларида тарбиялаш учун уларга шарт-шароитлар яратиш, болалар тарбия муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисида» 2008 йил 29 февралдаги ПҚ–805-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «Болалар шаҳарчаси» тарбия муассасалари (кейинги ўринларда Болалар шаҳарчаси деб аталади)ни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш орқали ота-онасининг қаровисиз қолган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган болаларни оилада тарбиялашнинг замонавий шакллари жорий этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Болалар шаҳарчаларини ташкил этиш босқичма-босқич, уларнинг болаларни қабул қилиш ва тарбиялаш учун тайёрлигига кўра амалга оширилади;

Болалар шаҳарчалари «Меҳрибонлик» уйлари Болалар шаҳарчаларига айлантириш йўли билан ташкил этилиши мумкин;

давлат Болалар шаҳарчалари билан бир қаторда нодавлат Болалар шаҳарчалари ташкил этилиши мумкин.

3. Ота-онасининг қаровисиз қолган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган болалар учун Болалар шаҳарчалари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган ва фаолият кўрсатаётган «SOS — Ўзбекистон Болалар маҳаллалари» уюшмасининг тарбия муассасалари мақомига кўра Болалар шаҳарчаларига тенглаштирилиши ҳамда кўрсатиб ўтилган Низомнинг уларга нисбатан «SOS — Киндердорф Интернейшнл» халқаро жамғармаси ва «SOS — Ўзбекистон Болалар маҳаллалари» уюшмасининг тегишли ҳужжатларида назарда тутилган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда қўлланиши маълумот учун қабул қилинсин.

4. «SOS — Ўзбекистон Болалар маҳаллалари» уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлигининг «SOS — Ўзбекистон Болалар маҳаллалари» уюшмасининг болалар маҳаллаларини давлат тарбия муассасалари учун белгиланган тартибга ва нормаларга мувофиқ қисман бюджетдан молиялаштиришга ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2009 йилдан бошлаб давлат бюджети параметрларида «SOS — Ўзбекистон Болалар маҳаллалари» уюшмасининг Болалар маҳаллалари таъминотида қисман молиялаштириш учун маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 22 май,
104-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 22 майдаги 104-сон қарорига
ИЛОВА

**Ота-онасининг қаровисиз қолган ва тўлиқ
давлат таъминотида бўлган болалар учун
Болалар шаҳарчалари тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ота-онасининг қаровисиз қолган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган болалар учун Болалар шаҳарчалари (кейинги ўринларда Болалар шаҳарчаси деб аталади) мақомини, уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини, ушбу муассасалар ходимларининг ҳамда бундай муассасаларга тарбиялаш учун берилган болаларнинг (тарбияланувчиларнинг) ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

2. Болалар шаҳарчаси тарбия муассасаси ҳисобланади, унинг доирасида ота-онасининг қаровисиз қолган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган болалар кичик гуруҳлар шаклида оиладагига яқинлаштирилган шароитларда тарбияланади.

Болалар шаҳарчалари ота-онасининг қаровисиз қолган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган болалар учун тарбия муассасаларининг янада мукамаллашган турлари сифатида, шу жумладан «Меҳрибонлик» болалар уйлари Болалар шаҳарчаларига босқичма-босқич айлантириш шартларида ташкил этилади.

3. Болалар шаҳарчаси ота-онасининг қаровисиз қолган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган болаларнинг яшашга ва оилада тарбиялашга бўлган ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, шунингдек ижтимоий мослашиш ва жамиятга интеграциялаш учун уларни маънавий-ахлоқий, меҳнат тарбияси ва таълим олишини ҳар томонлама таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

Қуйидагилар Болалар шаҳарчасининг асосий вазифалари ҳисобланади:

тарбияланувчиларнинг ақлий, эмоционал ва жисмоний ривожланишига кўмаклашувчи оилавий муҳитни яратиш;

тарбияланувчиларнинг ҳаётини муҳофаза қилишни ва соғлиғини мустаҳкамлашни таъминлаш, шунингдек профилактика тадбирларини амалга ошириш;

тарбияланувчиларни ижтимоий муҳофаза қилишни, психологик ва тиббий-педагогик реабилитация қилишни ва уларни жамиятга мослаштиришни таъминлаш;

болаларни миллий анъаналар ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш;

тарбияланувчиларда меҳнат кўникмаларини шакллантириш, уларга касб танлаши учун шарт-шароитлар яратиш.

4. Болалар шаҳарчаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга, бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек ўз уставига амал қилади.

5. Болалар шаҳарчаси юридик шахс ҳисобланади ва муассаса шаклида ташкил этилади.

Болалар шаҳарчаси давлат ва нодавлат шаклида бўлиши мумкин.

II. Болалар шаҳарчасини ташкил этиш тартиби

6. Болалар шаҳарчаси муассиснинг қарори асосида ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари давлат Болалар шаҳарчасининг муассиси бўлиши мумкин.

Нодавлат ташкилотлар, шунингдек жисмоний шахслар нодавлат Болалар шаҳарчасининг муассиси бўлиши мумкин.

Нодавлат Болалар шаҳарчаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан келишган ҳолда ташкил этилади.

Нодавлат Болалар шаҳарчасини ташкил этишда муассис томонидан уни камида 3 йил мобайнида ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштиришнинг аниқ манбалари қарорлари ва тасдиқномаси тақдим этилади.

7. Болалар шаҳарчаси устав асосида фаолият кўрсатади. Болалар шаҳарчасининг намунавий устави Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Болалар шаҳарчасининг устави унинг муассиси томонидан тасдиқланади. Нодавлат Болалар шаҳарчаси устави уларнинг ҳудудий жойлашишига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси билан келишган ҳолда тасдиқланади.

8. Болалар шаҳарчаси белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

III. Болалар шаҳарчаларида тарбия жараёнини ташкил этиш

9. Болалар шаҳарчасида тарбия жараёни оилавий типга кўра ташкил этилади. Болалар шаҳарчасига тарбиялаш учун берилган болалар тарбиячи бошчилигида гуруҳларга бўлинади, гуруҳлар оилалар деб аталади. Ҳар қайси оилада турли ёшдаги 6 нафардан 8 нафаргача болалар тарбияланади.

10. Болалар шаҳарчасининг ҳар қайси оиласи алоҳида уйларга ёки алоҳида турар жойларга (квартираларга) жойлаштирилади.

11. Болалар шаҳарчасида камида 12 та оила ташкил этилади. Тарбияланувчи болаларнинг умумий сони 140 нафардан ошмаслиги керак.

Болалар шаҳарчасига тарбиялаш учун бериладиган болаларнинг ёши, қоидага кўра, 3 ёшдан бошлаб уларнинг умумтаълим муассасасини тугатиш ёшигача бўлади.

12. Тарбиячилар болаларни тарбиялаш усулларини белгилашда васийлик ва ҳомийлик органининг тавсияномаларига амал қиладилар.

13. Тарбиячи тарбияланувчининг таълим муассасасини ва ўқитиш шаклини

танлашда болаларнинг хоҳишларини ҳисобга олиши ва болаларнинг умумий ўрта таълим олиши учун шарт-шароитлар яратиши шарт.

14. Тарбиячилар ўз ваколатларини амалга оширишда болаларнинг жисмоний ва руҳий ҳолатига, уларнинг ахлоқий ривожланишига зарар етказишга ҳақли эмас. Тарбиялаш усуллари болаларнинг кадр-қимматини таҳқирловчи менсимаслик, шафқатсизлик, қўполлик муносабатларидан холи бўлиши керак.

15. Болалар шаҳарчаси ходимлари тарбияланувчиларнинг ака-укалари ва опа-сингилларини, бошқа қариндошларини қидириб топишга ҳамда уларнинг муносабатларини қўллаб-қувватлашга қўмаклашишлари шарт, тарбияланувчиларнинг манфаатларига зид бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

Низоли ҳолларда тарбияланувчи билан унинг ота-оналари, қариндошлари ўрта-сидаги муносабатлар тартиби васийлик ва ҳомийлик органи томонидан белгиланади.

16. Болалар шаҳарчасининг раҳбарлари ва педагог ходимлари тарбияланувчиларни оилага жойлаштириш чора-тадбирларини кўришлари шарт.

17. Болалар шаҳарчаси тарбиячилари Болалар шаҳарчаси оилалари билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома асосида биркитилган мол-мулкнинг сақла-нишини таъминлайдилар.

18. Болалар шаҳарчаси маъмурияти тарбияланувчиларнинг ота-оналари билан учрашувига ва уларнинг ота-оналик ҳуқуқлари тикланган тақдирда улар билан бир-лашишига ҳамда боланинг манфаатларига зид бўлмаган бошқа ҳолларда қаршилик кўрсатмаслиги керак.

19. Тарбияланувчиларни илгариги оиласига қайтариш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

IV. Тарбияланувчиларни Болалар шаҳарчасига қабул қилиш тартиби

20. Ота-онасининг қаровисиз қолган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган болаларни Болалар шаҳарчаси оиласига бериш қонун ҳужжатларида ва ушбу Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Болалар шаҳарчасига ота-онасининг қаровисиз қолган янгидан аниқланган болалар ҳам, ихтисослаштирилган болалар таълим муассасаларининг тарбияланувчилари ҳам юборилади.

21. Болаларни Болалар шаҳарчасига тарбиялаш учун беришда васийлик ва ҳомийлик органлари болаларнинг манфаатларини ҳисобга олиши керак. Ўн ёшга тўлган болалар Болалар шаҳарчаси оиласига фақат уларнинг розилиги билан берилиши мумкин.

22. Тарбияланувчиларни оилага қабул қилиш ва танлаш маъмурият вакиллари томонидан, халқ таълими бўлими йўлланмаси асосида, Болалар шаҳарчасининг тарбиячилари, психологи ва ижтимоий ходимининг бевосита иштирокида амалга оширилади.

23. Болаларни оилага беришда Болалар шаҳарчаси маъмурияти, биринчи навбатда, болаларнинг манфаатларига амал қилиши, уларнинг этник жиҳатдан келиб чиқишини, муайян динга ва маданиятга мансублигини ҳисобга олиши, она тилида муомала қилиши учун шарт-шароитлар яратиши, тарбиялаш ва таълим беришда изчилликни таъминлаши керак.

Ака-укалар ва опа-сингиллар битта оилага берилиши керак, тиббий ёхуд бошқа сабабларга кўра улар биргаликда тарбияланиши мумкин бўлмаган ҳолатлар бундан

мустасно. Болаларнинг биргаликда тарбияланишига монелик қиладиган касалликлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

24. Болалар шаҳарчасига бериладиган ҳар бир болага васийлик ва ҳомийлик органлари тарбиячиларга қуйидаги ҳужжатларни берадилар:

туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;

соғлиғи тўғрисидаги тиббий маълумотнома ва амбулатория картаси;

маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (мактаб ёшидаги болалар учун);

ота-онаси тўғрисидаги ҳужжатлар (ўлим тўғрисидаги гувоҳнома, суднинг ҳукми ёки қарори нусхаси, касаллиги, ота-онасининг қидирилаётганлиги тўғрисидаги маълумотнома ва ота-онасининг йўқлигини ёки улар ўз болаларини тарбиялай олмаслигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатлар);

ака-ука ва опа-сингилларининг мавжудлиги ҳамда уларнинг турган жойи тўғрисидаги маълумотнома;

болага тегишли мол-мулкнинг рўйхати ва мол-мулкнинг сақланиши учун жавоб берадиган шахслар тўғрисидаги маълумотлар;

илгари эгаллаб турилган турар жойни вояга етмаганларга бириктириш тўғрисидаги ҳужжатлар;

суднинг алимент ундириш тўғрисидаги қарори нусхаси, шунингдек нафақа, пенсия ва бошқа ижтимоий тўловлар олиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатлар;

боланинг номига очилган банк ҳисоб рақами мавжудлиги тўғрисидаги ҳужжат.

25. Тарбиялаш учун Болалар шаҳарчасига берилиши мумкин бўлган болалар сони ва уларни бериш навбати Болалар шаҳарчаси оиласининг маъмурияти, педагог-психологи ва тарбиячиси билан биргаликда белгиланади.

Тарбиячилар тарбияланувчиларни танлаш мақсадида, давлат Болалар шаҳарчаси маъмуриятининг ёзма рухсатномаси бўйича «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиларини дам олиш, байрам ва таътил кунлари таклиф қилишлари мумкин. «Меҳрибонлик» уйлари маъмурияти тарбиячиларни ушбу тарбияланувчиларнинг шахсий ҳужжатлари йиғма жилдлари билан таништириши шарт.

26. Васийлик ва ҳомийлик органлари болаларни Болалар шаҳарчасига тарбиялаш учун танлашда уларга мерос, ҳада тартибида ёки бошқа қонуний асосларда ўтган мол-мулк мавжудлигини аниқлаши ҳамда болаларнинг мулкий ҳуқуқлари муҳофаза қилиниши ва ушбу мол-мулк сақланиши юзасидан зарур чора-тадбирлар кўришлари шарт (қонун бўйича болалар мерос қилиб олиши керак бўлган мол-мулкни аниқлаш, сақлаш ва бошқариш, мол-мулкни ноқонуний эгаллаб олган шахслардан уни талаб қилиш, қарздорлардан пул ва бошқа маблағларни ундириш ҳамда ҳоказолар).

27. Агар Болалар шаҳарчасига тарбиялаш учун берилган болаларда бошқа жойда турган мол-мулк мавжуд бўлса, у ҳолда ушбу мол-мулкни муҳофаза қилиш мол-мулк турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органи томонидан амалга оширилади ва зарурият бўлганда улар томонидан мол-мулкка васий тайинланиши мумкин.

V. Тарбияланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

28. Болалар шаҳарчаси тарбияланувчилари қонун ҳужжатларига ва Болалар шаҳарчаси уставига мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадир.

29. Тарбияланувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари Болалар шаҳарчаси маъмурияти, васийлик ва ҳомийлик органи, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа органлар томонидан ҳимоя қилинади.

30. Болалар шаҳарчаси тарбияланувчиси Болалар шаҳарчаси маъмурияти,

шунингдек тарбиячи томонидан суистеъмоллар содир этилишидан химояланиш ҳуқуқига эга.

31. Тарбияланувчи Болалар шаҳарчасида бўлган бутун даврда мерос ёки ҳадя тартибда, шунингдек бошқа қонуний асосларга кўра ота-оналар, қариндошлар ёки бошқа шахслардан унга ўтган мол-мулкка, турар жойга мулк ҳуқуқини сақлаб қолади. Турар жой тарбияланувчи Болалар уйида бўлган бутун давр мобайнида унда сақланиб қолади.

32. Тарбияланувчи унга берилиши керак бўлган алиментлар, ижтимоий нафақалар, пенсияга бўлган ҳуқуқни (боқувчисини йўқотганда, ногирон бўлиб қолганда) ҳамда ота-онасининг қаровисиз қолган болалар учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ижтимоий имтиёзлар ва кафолатларга ҳуқуқни ўзида сақлаб қолади.

Болалар уйидаги тарбияланувчининг таъминоти учун ота-онадан ундирилган маблағлар, унга тайинланган нафақа ва бошқа тўловлар тарбияланувчининг номига очилган банк ҳисоб рақамларига ўтказилиши керак.

33. Тарбияланувчи ўзига тегишли бўлган уй-жой ижарага берилишидан олинган даромадларга, ижодий, касбий, меҳнат фаолиятидан ва бошқа фаолиятдан олинган даромадларга ҳуқуқни сақлаб қолади. Битимлардан олинган даромадлар маъмурият томонидан фақат тарбияланувчининг манфаатларини кўзлаб ҳамда васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги билан сарфланиши мумкин.

34. Тарбияланувчи оилага қайтганда (фарзандликка олинганда) ёки Болалар шаҳарчасидан тарбиялаб чиқарилгандан кейин тарбияланувчининг мол-мулки ва ҳужжатлари нотариал тартибда тасдиқланадиган рўйхат бўйича ота-онасига ёки тарбияланувчининг ўзига берилади.

35. Тарбияланувчиларга тиббий хизмат кўрсатиш Болалар шаҳарчаси врачлари, шунингдек Болалар шаҳарчаси жойлашган жойдаги даволаш-профилактика муассасаларининг тиббиёт ходимлари томонидан таъминланади.

Болалар шаҳарчаси маъмурияти тиббиёт ходими учун алоҳида хона ва тиббий асбоб-ускуналар ажратади.

36. Болалар шаҳарчаси тарбияланувчилари мактабгача тарбия ва умумтаълим муассасаларида умумий асосларда тарбияланади ва ўқитилади, бунда болалар давлат мактабгача тарбия муассасаларида бўлган вақт учун тўлов ундирилмайди.

37. Болалар шаҳарчасида тарбияланувчилар учун қўшимча таълим (тўғарақлар, студиялар, спорт секциялари ва ҳоказолар) ташкил этилади.

38. Ривожланишида жисмоний ёки психик нуқсонлар мавжуд бўлган мактабгача ёшдаги тарбияланувчилар билан психологик-тиббий-педагогик комиссия томонидан болаларнинг ривожланишида аниқланган нуқсонларга мувофиқ мактабгача ёшдаги болаларни психофизик ривожланиш хусусиятларига эга бўлган тарбиялаш ва ўқитиш дастурлари бўйича таълим ташкил этилиши мумкин.

39. Болалар шаҳарчаси маъмурияти тарбияланувчиларнинг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига ўқишга кириши юзасидан жавоб беради ва унга зарур ёрдам кўрсатади.

40. Болалар шаҳарчаси тарбияланувчиларига ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун йўлланма беришда қонун ҳужжатларига мувофиқ йўл ҳақи ва йўлдаги вақтда овқатланиш харажатлари тўланади.

41. Болалар шаҳарчаси тарбияланувчилари маъмурият билан келишган ҳолда улар ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасасини тамомлагунига қадар, мазкур муассасада ётоқхона мавжуд бўлмаган тақдирда, Болалар шаҳарчасида тўлиқ давлат таъминотида яшаши мумкин.

Маъмуриятнинг рухсати билан Болалар шаҳарчасида битирувчиларнинг яшаши учун битта тегишли уй ажратилади.

42. Болалар шаҳарчасининг ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасасида таълим олаётган собиқ тарбияланувчилари ўзлари таълим олаётган таълим муассасалари маъмурияти билан келишган ҳолда таътил даврида, дам олиш ва байрам кунларида, шунингдек касаллик даврида яшаганлик учун ҳақ тўламасдан Болалар шаҳарчасида туришлари мумкин. Вақтинча яшайдиган ўқувчилар ва талабалар Болалар шаҳарчаси учун белгиланган нормалар бўйича ҳақ тўлаш шарти билан овқат билан таъминланадилар.

43. Васийлик ва ҳомийлик органлари тарбияланувчиларнинг фаровонлиги, соғлиғи (соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда) ва камол топиши, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиниши устидан ойлик назоратни амалга оширадилар.

VI. Болалар шаҳарчасини бошқариш

44. Болалар шаҳарчасига бевосита раҳбарлик муассаса маъмуриятига бошчилик қиладиган ҳамда мазкур Низомга ва Болалар шаҳарчаси уставига мувофиқ фаолият кўрсатадиган директор томонидан амалга оширилади.

Болалар шаҳарчаси директори Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан келишган ҳолда Болалар шаҳарчаси муассиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Болалар шаҳарчаси директорини лавозимига тайинлаш танлов асосида амалга оширилади.

45. Болалар шаҳарчаси директори:

Болалар шаҳарчаси номидан иш кўради, барча ташкилотларда унинг манфаатларини ифодалайди;

ўзига берилган ваколатлар доирасида Болалар шаҳарчаси мол-мулкани тасаруф этади;

ишончномалар беради;

ғазначилик бўлинмаларида ҳисоб рақамлари ва бошқа банк ҳисоб рақамлари очади;

кадрларни ишга қабул қиладди ва жой-жойига қўяди, Болалар шаҳарчаси ходимларини рағбатлантиради, уларга интизомий жазолар беради ва улар билан меҳнат шартномалари (контрактлари)ни тўхтатади;

ўз ваколатлари доирасида буйруқлар чиқаради ва фармойишлар беради;

тарбияланувчиларнинг ҳаёти муҳофаза қилиниши ва соғлиғи мустаҳкамланиши, ўқув-тарбия жараёнининг ҳолати, молия-хўжалик фаолияти, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, моддий-техник базанинг мустаҳкамланиши ва моддий бойликларнинг сақланиши учун жавоб беради.

46. Болалар шаҳарчаси директорининг икки нафар: тарбиявий ишлар ва маъмурий-хўжалик ишлари бўйича ўринбосарлари бўлади.

Давлат Болалар шаҳарчаси директорининг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан келишган ҳолда директор томонидан лавозимга тайинланади.

47. Директор ва унинг ўринбосарлари лавозимларининг малака тавсифлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади.

48. Болалар шаҳарчаси директори ва унинг ўринбосарлари билан меҳнат шартномаси бир йил муддатга тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Болалар шаҳарчаси директори ва унинг ўринбосарлари фаолиятига баҳо бериш мезонларини ишлаб чиқади, ушбу мезонлар асосида уларнинг фаолияти баҳоланади ва кейинги йил учун меҳнат шартномасини узайтириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилади.

49. Болалар шаҳарчаси маъмурияти ҳар йили Болалар шаҳарчаси жойлашган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органларига тарбияланувчиларнинг соғлиғи, уларни тарбиялаш ишлари тўғрисида, шунингдек тарбияланувчиларнинг мол-мулкни бошқариш бўйича ҳисобот тақдим этади.

VII. Болалар шаҳарчаси ходимлари

50. Болалар шаҳарчаси директори жисмоний ва юридик шахслар билан муносабатларда, шунингдек судларда тарбияланувчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган қонуний вакил ҳисобланади.

Директор, агар васийлик ва ҳомийлик органи томонидан маъмурият ва болаларнинг манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик мавжудлиги аниқланса, болаларнинг манфаатларини ифодалашга ҳақли эмас. Улар ўртасида келишмовчиликлар бўлган тақдирда васийлик ва ҳомийлик органи бошқа вакилни тайинлаши шарт.

51. Болалар шаҳарчаси оилаларида тарбиячилар Ўзбекистон Республикасининг 30 ёшга тўлган, бироқ 55 ёшдан катта бўлмаган фуқаролари — ёлғиз аёллар ёки фарзандсиз эр-хотинлар бўлиши мумкин. Тегишли маълумотга эга бўлган шахсларга устунлик берилади.

52. Тарбиячи Болалар шаҳарчаси оиласи бошлиғи ҳисобланади. У Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда танлов асосида ишга қабул қилинади. Халқ таълими вазирлиги тарбиячиларнинг малака тавсифларини ишлаб чиқади ва белгилайди.

Танлашда олий ёки ўрта махсус педагогик, шунингдек психологик ёки тиббий маълумотли, ижтимоий иш кўникмасига эга бўлган шахсларга устунлик ҳуқуқи берилади.

Қуйидаги шахслар тарбиячилар бўлиши мумкин эмас:

суд томонидан ҳуқуқий лаёқатсиз ёки ҳуқуқий лаёқати чекланган деб эътироф этилганлар;

суд томонидан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар;

қонун билан ўзига юкланган мажбуриятлар зарур тарзда ижро этилмаганлиги учун васий (ҳомий) мажбуриятларидан четлатилганлар;

агар фарзандликка олиш уларнинг айби билан суд томонидан бекор қилинган бўлса, собиқ фарзандликка олганлар;

судланганлар;

соғлиғига кўра бола тарбияси бўйича мажбуриятларни бажаришга қодир бўлмаган шахслар.

Шахснинг тарбиячи бўлишига монелик қиладиган касалликлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

53. Тарбиячи қуйидагиларга мажбур:

болаларни тарбиялаш, уларнинг соғлиғи, жисмоний, психик, ахлоқий-маънавий камол топиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш;

оилада ахлоқий-маънавий ва уй мухитини яратиш;

ўз мажбуриятларини тарбияланувчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига зарар етказган ҳолда бажармаслик;

бола учун ўзига берилган ҳужжатларнинг сақланишини таъминлаш;
ҳар олти ойда тиббий диспансер кўригидан ўтиш;
ҳар икки йилда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида қўшимча ўқитишнинг икки ҳафталик курсидан ўтиш;

қонун ҳужжатларига ва меҳнат шартномасига мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажариш.

54. Тарбиячи ота-оналар (уларнинг ўрнини босадиган шахслар) учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради, алимент тўлаш мажбурияти бундан мустасно.

55. Тарбиячи билан меҳнат шартномаси белгиланган тартибда, шунингдек болалар ота-оналарига қайтарилган (фарзандликка олинган) тақдирда тўхтатилиши мумкин.

56. Тарбиячилар Болалар шаҳарчасида меҳнат шартномасининг бутун амал қилиш муддати мобайнида яшайдилар.

57. Болалар шаҳарчасидаги тарбияланувчилар манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш учун тарбиячиларга Болалар шаҳарчаси ҳудудида яшайдиган тарбиячи ёрдамчилари ёрдам берадилар ҳамда улар бўлмаганда ва уларнинг таътили даврида уларнинг вазифасини бажариб турадилар.

58. Болалар шаҳарчасининг мукамал фаолият юритиши учун Болалар шаҳарчаси ходимлари сони ва зарур лавозимлар рўйхати иловага мувофиқ унинг тузилмасига қирадиган оилалар сонига боғлиқ ҳолда намунавий штатларга асосан белгиланади.

59. Болалар шаҳарчаси ходимлари бир йил муддатга танлов асосида ишга қабул қилинади, ушбу муддат йиллик иш натижаларига кўра кейинги йилга узайтирилиши мумкин.

60. Педагоглар, ижтимоий ходимлар ва психологлар қонун ҳужжатларига мувофиқ тарбияланувчиларга руҳий ва ижтимоий педагогик ёрдам кўрсатадилар, улар Болалар шаҳарчаси тарбияланувчиларининг руҳий, шахсий ва ижтимоий ривожланишидаги нуқсонларни тузатиш ишларини ташкил қиладилар.

61. Болалар шаҳарчасининг тиббиёт ходимлари тарбияланувчиларнинг чуқурлаштирилган тиббий кўригини ташкил этиш, уларнинг ўз вақтида ихтисослаштирилган даволанишга йўналтирилиши, тарбияланувчиларнинг реабилитация тадбирларига киритилиши, Болалар шаҳарчасида санитария ва эпидемияга қарши режимларга риоя қилиниши, тарбияланувчиларнинг сифатли овқатланиши, уларнинг жисмоний ва ақлий юкламалари меъёрлари, санитария қоидалари ва меъёрларига мувофиқ Болалар шаҳарчаси ҳаёт фаолиятининг ташкил этилиши учун жавоб берадилар.

VIII. Болалар шаҳарчалари таъминоти ва уларни моддий-техник таъминлаш

62. Давлат Болалар шаҳарчалари таъминоти ва уларни моддий-техник таъминлаш давлат бюджети маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайрия маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Давлат Болалар шаҳарчалари тарбияланувчилари тўлиқ давлат таъминотида бўлади.

Нодавлат Болалар шаҳарчалари тарбияланувчилари муассислар таъминотида

бўлади. Бунда маблағ билан таъминлаш ушбу Низомда давлат Болалар шаҳарчалари учун белгиланган миқдорлар ва нормативлардан кам бўлиши мумкин эмас.

Давлат бюджети маблағлари ҳисобига қисман маблағ билан таъминланади, яъни «SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмасининг Болалар маҳаллалари таъминоти учун харажатлар, хусусан — овқатланиш, коммунал хизматлар, тарбияланувчилар учун кийим-кечаклар, пойабзаллар ва юмшоқ мебеллар сотиб олиш харажатлари қопланади.

63. Болалар шаҳарчалари, қоидага кўра, туманлар марказларида ва йирик шаҳарларнинг шаҳар атрофи ҳудудларида жойлаштирилади.

Болалар шаҳарчаси ҳудуди, бинолари ва иншоотларига нисбатан энг кам талаблар Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда белгиланади.

Болалар шаҳарчасининг моддий-техник жиҳозланишига нисбатан энг кам талаблар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Болалар шаҳарчаси бинолари техника хавфсизлиги қоидаларига, шунингдек санитария қоидалари ва меъёрларига мувофиқ жиҳозланади ва фойдаланилади.

64. Болалар шаҳарчаси давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин ҳудудий молия органлари тақдим қилинган Болалар шаҳарчаси харажатлар сметасини ва унинг штатлар жадвалини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши.

Болалар шаҳарчасининг харажатлар сметаси шаҳарчанинг ўз таъминоти сифатида акс эттириладиган харажатлар бўйича, жумладан барча ходимларнинг иш ҳақи, коммунал хизматлар учун харажатлар ва бошқа жорий харажатлар, бинолар ва иншоотлар сақланиши, уларни таъмирлаш, уларга хизмат кўрсатиш ва бошқалар учун харажатлар ҳамда харажатлар сметасида алоҳида ҳисоб-китобда ҳар бир алоҳида оилага ажратиладиган, бюджет таркибига кирадиган ва нақд пул шаклида тўланадиган харажатлар бўйича тасдиқланади.

Нодавлат Болалар шаҳарчалари тармоқлар, штатлар жадвали ва контингент бўйича молия органларига ҳисобот топширадилар.

65. Бинолар сақланиши учун харажатлар ва Болалар шаҳарчалари фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа жорий харажатлар билан биргаликда коммунал хизматлар бўйича харажатларни маблағ билан таъминлаш нақд пулсиз тўловлар орқали амалга оширилади.

66. Давлат Болалар шаҳарчаларидаги оилавий бюджет харажатларини қоплаш учун ҳар бир тарбиячига «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари учун тасдиқланган нормативларга мувофиқ ҳисобланган тарбияланувчилар таъминотига ойлик пул маблағлари тўланади.

Ҳар бир алоҳида оила бюджетига қуйидагилар киради:

озик-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар, пойабзаллар, чойшаблар ва сочиқлар, кундалик хўжалик ва шахсий гигиена буюмлари, ўйинлар, ўйинчоқлар, китоблар, бошқа майда хўжалик буюмлари сотиб олиш ва транспорт харажатлари; соғломлаштириш, таълим бериш ва маданий-оммавий тадбирлар.

67. Тарбиячилар томонидан оила бюджети маблағларидан тежаб қолинган пуллар оила байрамлари ва оиланинг бошқа мақсадлари учун ишлатилиши мумкин.

68. Давлат Болалар шаҳарчаларини молиялаштириш, шунингдек уларнинг моддий-техника базасини ривожлантиришга харажатлар ажратиш «Меҳрибонлик» уйлари учун белгиланган меъёрларга мувофиқ амалга оширилади.

69. Давлат Болалар шаҳарчаларидаги битта тарбияланувчининг озик-овқат,

кийим-кечак, пойабзал ва юмшоқ мебель билан таъминлаш меъёри «Меҳрибонлик» уйлари учун тасдиқланган меъёрларга ўхшаш ҳолда белгиланади.

70. Болалар шаҳарчасида молиявий бошқариш тизими Болалар шаҳарчасининг ҳар бир оиласида молиявий жавобгарлик ва ҳисобот беришга йўналтирилган.

Маъмурий-бошқарув механизмлари Болалар шаҳарчаси раҳбарияти томонидан ҳар бир оиланинг табиий жараёнларига аралашшини камайтиришни назарда тутди.

71. Давлат Болалар шаҳарчаларида қонунчиликда назарда тутилган тарбиячилар, маъмурий-хўжалик ва хизмат кўрсатувчи ходимлар иш ҳақи ва уларни моддий рағбатлантириш давлат бюджети ҳисобига «Меҳрибонлик» уйлари учун қўлланилган тартибда амалга оширилади.

Болалар шаҳарчасининг барча раҳбар, педагог ва бошқа ходимларига етим болалар билан ишлашнинг махсус шароитлари учун иш ҳақи ставкасига 50 фоиз миқдорида қўшимча ҳақ белгиланади.

Тарбиячилар ва тарбиячининг ёрдамчиларига болалар билан кеча-кундуз, шу жумладан тунги вақтда ишлаганлиги учун иш ҳақи ставкасига 100 фоиз миқдорида қўшимча ҳақ белгиланади.

72. Бюджетнинг фазначилик ижросига ўтмаган минтақаларда давлат Болалар шаҳарчаси таъминоти учун ажратиладиган пул маблағлари ҳар ойда унинг банкдаги ҳисоб рақамига белгиланган муддатларда ва тартибда ўтказилади.

73. Бюджетнинг фазначилик ижросига ўтган минтақаларда давлат Болалар шаҳарчаси харажатларини давлат бюджети маблағлари ҳисобига молия органларида, шунингдек Фазначилик бўлимларида белгиланган тартибда тасдиқланган ва рўйхатга олинган харажатлар сметалари асосида тўлаш учун фазначилик ҳисоб рақами очилади.

74. Болалар шаҳарчасини моддий қўллаб-қувватлаш, тарбияланувчиларни мустақил ҳаёт ва меҳнатга тайёрлаш мақсадида Болалар шаҳарчаси маъмурияти вазирлиги ва ҳомийлик органлари билан келишган ҳолда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган тадбиркорлик ёки бошқа фаолиятни ташкил этиш ҳуқуқига эга.

Болалар шаҳарчаси маъмурияти бюджетдан ташқари маблағларни ўтказиш учун алоҳида банк ҳисоб рақамини очиш ҳуқуқига эга.

75. Болалар шаҳарчасига берилган болаларнинг таъминоти учун маблағлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча меъёрлар ва имтиёзларни ҳисобга олган ҳолда тўлиқ ҳажмда тўланиши лозим. Айрим сабабларга кўра ўтган молия йилида тўланмаган пул маблағлари кейинги молия йилида тўланади.

76. Йил давомида фойдаланилмаган маблағлар олиб қўйилмайди, улар Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади ва кейинги йилда улардан ушбу мақсадлар ва болалар эҳтиёжи учун фойдаланилади.

77. Болалар шаҳарчасининг барча молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисобини Болалар шаҳарчаси бухгалтери амалга оширади, у тегишли халқ таълимини молиялаштириш бўлимларига ҳар ойда ва ҳар чоракда ҳисобот топширади.

78. Болалар шаҳарчаси бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботини тузиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

79. Барча тарбиячилар моддий жавобгар ҳисобланадилар.

80. Болалар шаҳарчаси тарбияланувчиларининг овқатланишини ташкил этиш тарбиячи томонидан амалга оширилади.

81. Озиқ-овқат маҳсулотларини ҳафтасига камида бир марта (тез айнийдиган озиқ-овқат маҳсулотларини ҳафтасига камида икки марта) сотиб олиш тарбиячи томонидан амалга оширилади.

Тарбиячи тарбияланувчиларни уларнинг ёшига мувофиқ равишда балансланган овқатланишини таъминлайди.

Тарбиячи овқат пишириш учун зарур бўлган маҳсулотлардан сарфланган маҳсулотларни кейинчалик таомнома бўйича ҳисобдан чиқармасдан фойдаланади.

Оиладаги болаларнинг сифатли ва тўлақонли овқатланишининг ташкил этилганлиги болаларни доимий равишда тиббий кўриқдан ўтказиш, умумий ривожланиши, ўсиши, вазни, шунингдек врач ва Болалар шаҳарчаси маъмуриятининг танлаб назорат қилиш натижаларига кўра аниқланади.

82. Маҳсулотлар чакана савдо ташкилотларидан харид қилганда тўлов чеклари сақлаб қўйилади, озиқ-овқат бозоридан нақд пулга харид қилинган маҳсулотлар учун эса далолатнома тузилади.

83. Озиқ-овқат маҳсулотларини ва бошқа товарларни ҳисобдан чиқариш тарбиячилар томонидан тақдим этилган чеклар ва далолатномалар асосида, доимий ишлайдиган комиссия томонидан амалга оширилади.

84. Доимий ишлайдиган комиссия таркиби Болалар шаҳарчаси директори томонидан бир йилга белгиланади ва унинг буйруғи билан тасдиқланади.

85. Болалар шаҳарчасидан узоқ масофада жойлашган умумий ўрта таълим муассасаларида ўқиётган тарбияланувчиларга, йирик харидлардан ташқари, Болалар шаҳарчасидаги тушлик пул қийматидан ошмайдиган миқдорда тушликка нақд пул берилади.

86. Тушлик учун нақд пуллар нормативлари суммаларни тарбияланувчиларнинг ёшига қараб тақсимлаган ҳолда тасдиқланади.

87. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 25 январдаги 33-сон қароридан назарда тутилган имтиёзлар, етим болалар ва ота-онасининг қаровисиз қолган болалар учун, шунингдек Болалар шаҳарчасига тарбиялашга берилган болалар учун ҳам жорий этилади.

88. Болалар шаҳарчаси врачлари тарбиячига озиқ-овқат маҳсулотлари танлашда маслаҳат ёрдами беради ва овқатланишни ташкил этиш ва унинг сифатини танлаб назорат қилади.

Болалар шаҳарчаси врачлари бухгалтерия ва тарбиячиларнинг дори-дармонлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш учун ишлатган маблағлари билан боғлиқ бўлган барча ҳисоб-китоб ёзишмаларини тўққинликсиз олиш ҳуқуқига эга.

89. Болалар шаҳарчасининг молия-хўжалик фаолияти юзасидан назоратни молия органлари амалга оширадilar.

90. Болалар шаҳарчасининг моддий-техника базаси бинолар, иншоотлар, ер участкалари, коммуникациялар, инвентарлар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва бошқалардан иборат бўлади.

IX. Яқуний қоидалар

91. Болалар шаҳарчаси мақоми охириги тарбияланувчи балоғат ёшига етгунга қадар ва ишга жойлашгунга қадар сақланиб қолади.

92. Болалар шаҳарчаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

93. Болалар шаҳарчаси тугатилганда унинг пул маблағлари ва мол-мулкidan, унинг мажбуриятларини қоплаш тўловларини чегирган ҳолда қонун ҳужжатларига ва унинг уставига мувофиқ фойдаланилади.

Ота-онасининг қаровисиз қолган ва тўлик давлат таъминотида бўлган болалар учун
Болалар шаҳарчаси тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Болалар шаҳарчаларининг намунавий штатлари

| Т/р | Лавозимлар номи | Оилалар сонига кўра штат бирликлари сони | | |
|-----|--|--|---------|----------------------|
| | | 12 оила | 16 оила | 18 ва ундан кўп оила |
| 1. | Директор | 1 | 1 | 1 |
| 2. | Директорнинг ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари | 1 | 1 | 1 |
| 3. | Директорнинг маъмурий-хўжалик ишлари бўйича ўринбосари | 1 | 1 | 1 |
| 4. | Юридик маслаҳатчи | 0,5 | 0,5 | 0,5 |
| 5. | Тарбиячи | 12 | 16 | 18 ва ундан ортиқ |
| 6. | Тарбиячининг ёрдамчиси | 6 | 8 | 9 ва ундан ортиқ |
| 7. | Ижтимоий ходим | 1 | 1,5 | 2 |
| 8. | Психолог | 1 | 1,5 | 2 |
| 9. | Бош бухгалтер | 1 | 1 | 1 |
| 10. | Бухгалтер | 1 | 1 | 1 |
| 11. | Кассир | 1 | 1 | 1 |
| 12. | Врач | 1 | 1 | 1 |
| 13. | Иш юритувчи котиба | 1 | 1 | 1 |
| 14. | Муסיқа раҳбари | 1 | 1 | 1 |
| 15. | Тиббий ҳамшира | 1 | 1 | 1 |
| 16. | Жисмоний тарбия инструктори | 1 | 1 | 1 |

Изоҳлар.

Ишловчилар сони 200 нафаргача бўлган Болалар шаҳарчаларига бир неча лавозимда ишлаш шартларида иш ҳақи тўлаган ҳолда 0,5 штат бирлигидан иборат бўлган фуқаро муҳофаази бўйича мутахассис лавозими киритилади.

Автомобиль, автобус, микроавтобус ёки юк транспорти мавжуд бўлган Болалар шаҳарчаларида ҳайдовчи лавозими жорий этилади.

Қоровул лавозими дам олиш кунлари, байрам кунлари ва таътил даврида ўрнига ўзганинг ишлашини ҳисобга олган ҳолда 2,5-3 штат бирлиги миқдориди белгилади.

Болалар шаҳарчаларида маъмурий бинолар ҳудудини супуриш-йиғиштириш учун хизматчи лавозими жорий этилади.

Мевали боғ ёки манзарали ўсимликлардан иборат бўлган камида 1,5 га ер участкаси мавжуд бўлган Болалар шаҳарчаларида боғбон лавозими жорий этилади.

Иситиш мавсумида (кочегарлар), бинолар, иншоотлар ва асбоб-ускуналарга комплекс хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш бўйича ишчилар ёки қуйидаги ҳисоб-китоблар бўйича ўт ёқувчилар лавозимлари жорий этилади:

марказий иситиш тармоғи мавжуд бўлганда — ҳар бир буғқозонга бир смена учун 1 бирлик кочегар лавозими, иситиш юзаси 75 кв. метрдан ортиқ бўлган, ёқилғи-

нинг қаттиқ турлари (торф, тошкўмир) қўлланадиган буғқозонларга — ҳар бир буғқозон учун бир сменада 2 бирлик кочегар лавозими;

газ билан иситишда — бир смена учун 1 бирлик кочегар лавозими, хавфсизлик автоматикаси мавжуд бўлмаган буғқозонхоналарда эса бир смена учун 2 бирлик кочегар лавозими.

Биоларга комплекс хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш бўйича ишчилар лавозими куйидаги ҳисоб-китоб бўйича белгиланади:

ҳар 500 ёритиш нуқтаси учун 1 бирлик электромонтёр лавозими, бироқ у Болалар шаҳарчаси учун 0,5 бирликдан кам бўлмаслиги керак;

сув қувури ва канализация билан таъминланган ҳар 2000 кв. метр фойдали майдон учун 1 бирлик чилангар-сантехник лавозими, бироқ у Болалар шаҳарчаси учун 0,5 бирликдан кам бўлмаслиги керак;

Болалар шаҳарчаси учун 1 бирлик дурадгор лавозими.

Болалар шаҳарчалари таъминоти учун харажатлар сметаларида мактаб ёшидаги болалар ва аралаш типдаги болалар уйлари учун Болалар шаҳарчасига 1 ставка миқдориди — тўғарақлар раҳбарлари иш ҳақиға маблағлар ажратиш назарда тутилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

200 **Васийлик ва ҳомийлик органиға ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида**

Ота-онасининг қаровисиз қолган болаларнинг манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш, вояға етмаган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишға доир қонун ҳужжатларини такомиллаштириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 16 апрелдаги «Вояға етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар кириштиш ҳақида»ги ЎРҚ–153-сонли Қонунининг 5-моддасини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Васийлик ва ҳомийлик органиға ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби ҳақидаги низом иловаға мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда аҳоли ўртасида васийлик ва ҳомийлик органиға ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартибининг ушбу қарор билан тасдиқланган талаблари ҳақида тушунтириш ишлари ўтказилишини ташкил этсинлар.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 26 май,
110-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 26 майдаги 110-сон қарорига
ИЛОВА

**Васийлик ва ҳомийлик органига ота-онасининг қаровисиз
қолган болалар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш
тартиби ҳақида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом васийлик ва ҳомийлик органига ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотларни болалар амалда яшаётган жойдаги Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳудудий бўлимлари ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик органига (кейинги ўринларда васийлик ва ҳомийлик органи деб аталади) тақдим этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомга мувофиқ ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотлар васийлик ва ҳомийлик органларига:

- ота-онаси вафот этганда;
- ота-онаси ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум бўлганда;
- ота-онасининг ота-оналик ҳуқуқлари чекланганда;
- ота-онаси муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилганда;
- ота-онаси икки ойдан ортиқ касал бўлганда;
- ота-онаси олти ойдан ортиқ бўлмаганда;

ота-онаси болаларни тарбиялашдан ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бош тортганда;

ота-онаси болаларини тарбия муассасаларидан, даволаш муассасаларидан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларидан ва шунга ўхшаш муассасалардан олишни рад этганда тақдим этилади.

Маълумотлар, шунингдек ота-онаси номаълум бўлган ёхуд улар суд томонидан бедарак йўқолган ёки вафот этган деб эътироф этилган, васийлик ва ҳомийлик органларининг огоҳлантиришига қарамасдан улар болалар билан олти ойдан ортиқ яшамаётган ҳолларда ҳам тақдим этилади.

**II. Ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни аниқлаш ва
улар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш**

3. Васийлик ва ҳомийлик органи ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни аниқлайди ва уларнинг ҳисобини юритади.

4. Ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотлар васийлик ва хомийлик органига:

боланинг қариндошлари;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари (оқсоқоллари);

фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларининг мансабдор шахслари (фуқароларнинг ўлимини рўйхатдан ўтказишда ота-онасининг қаровисиз қолган болалар мавжудлиги маълум бўлганда, шунингдек бошқа ҳолларда);

судлар (фуқарони муомалага лаёқатсиз деб эътироф этиш тўғрисида, уни вафот этган деб эълон қилиш тўғрисида қарорлар чиқарилганда, қарамоғида вояга етмаган болалар мавжуд бўлган шахсларни қамоққа олишда ёки озодликдан маҳрум этишда, шунингдек болалар ота-онасининг қаровисиз қолган бошқа ҳолларда);

муассасалар (мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим муассасалари, даволаш муассасалари, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасалари ва бошқа муассасалар), жамоат бирлашмаларининг мансабдор шахслари;

болаларнинг ота-онасининг қаровисиз қолганлиги тўғрисида уларга маълум бўлган фуқаролар томонидан тақдим этилади.

5. Болалар ота-онасининг қаровисиз қолганлигининг сабаблари ҳар бир ота-онага нисбатан яқка тартибда аниқланади.

6. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари васийлик ва хомийлик органига ота-онасининг қаровисиз қолган болалар, шунингдек ота-онаси олти ойдан ортиқ бўлмаган ҳамда уларнинг тарбияси ва таъминотида қатнашмаётган, ота-онанинг эътибори ва ғамхўрлиги намоён бўлмаётган болалар тўғрисидаги маълумотларни беради.

7. Болаларнинг ота-онасининг қаровисиз қолиши ҳолати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси аъзоларининг, шунингдек яқин атрофдаги уйларда яшайдиган фуқароларнинг хабарига кўра аниқланади.

8. Ота-онасининг қаровисиз қолган болалар аниқланган тақдирда ҳар бир болага нисбатан алоҳида далолатнома тузилади.

Далолатнома икки кўшни иштирокида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакили томонидан тузилади. Далолатнома фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси (оқсоқоли) томонидан имзоланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида тузиладиган далолатнома намунаси белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

9. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси (оқсоқоли) ота-онасининг қаровисиз қолган болалар аниқланган кундан бошлаб етти кун мобайнида васийлик ва хомийлик органига ота-онасининг қаровисиз қолган болалар аниқланганлиги тўғрисидаги маълумотларни далолатномани илова қилган ҳолда маълум қилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси (оқсоқоли) ота-онасининг қаровисиз қолган болалар аниқлангандан кейин тегишли қарор қабул қилингунга қадар, болаларнинг ота-оналарини ёки боланинг оиласи билан дўстона алоқаларда бўлган шахсларни, болаларни ушбу оилаларга вақтинча жойлаштириш учун болаларни зарур тарзда парвариш қилиш тўғрисида улардан тилхат олган ҳолда, аниқлаш чора-тадбирларини кўради.

10. Ички ишлар органларининг мансабдор шахслари (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда — вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш инспекторлари, Тошкент шаҳрида эса — олдини олиш инспекторлари) ота-онаси-

нинг қаровисиз қолган болаларни аниқлашда ва уларни вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам бериш марказларига вақтинча жойлаштиришда, жойлаштириш шакли аниқланганда эса — болаларга улар борадиган пунктгача ҳамроҳлик қилишда васийлик ва ҳомийлик органларига ёрдам берадилар.

11. Ота-онасининг қаровисиз қолган болалар аниқланганлиги тўғрисидаги далолатнома туман (ҳудудида ота-онасининг қаровисиз қолган болалар аниқланган шаҳар) ички ишлар органининг мансабдор шахси томонидан тузилади ва унинг бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Ички ишлар органлари томонидан тузиладиган далолатнома намунаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

12. Ота-онасининг қаровисиз қолган болалар уларнинг шахси аниқлангунгача ва зарур ҳужжатлар расмийлаштирилгунгача вақтинча ички ишлар органлари томонидан вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам бериш марказига жойлаштирилади ҳамда ота-онасининг қаровисиз қолган болалар аниқланган кундан бошлаб етти кун мобайнида тегишли маълумотлар болалар яшайдиган жойдаги туман (шаҳар) васийлик ва ҳомийлик органига тақдим этилади.

13. Қарамоғида вояга етмаган болалар бўлган шахсларга нисбатан судлар томонидан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида, фуқарони ҳуқуқий муомалага лаёқатсиз деб эътироф этиш, қамоққа олиш шаклида олдини олиш чорасини қўллаш, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиш тўғрисида қарор қабул қилинганда ҳамда кўриб чиқиладиган бошқа ҳолатларда ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотлар етти кун мобайнида суднинг қарори юборилган ҳолда васийлик ва ҳомийлик органларига маълум қилинади. Суднинг қарорига суднинг қарори қонуний кучга кирганлиги тўғрисидаги имзо ва суднинг муҳри билан тасдиқланган маълумотнома илова қилинади.

14. Мактабгача таълим муассасаларида, умумтаълим муассасаларида ота-онасининг қаровисиз қолган болалар аниқланган тақдирда ушбу муассасалар раҳбарлари далолатнома тузишлари шарт. Далолатномага болага тегишли ушбу муассасадаги мавжуд ҳужжатлар илова қилинади ва етти кун мобайнида боланинг яшаш жойдаги туман (шаҳар) васийлик ва ҳомийлик органига тақдим этилади.

15. Боланинг соғлиқни сақлаш муассасаларида (касалхоналар ва туғруқхоналарда) қолдирилганлиги тўғрисидаги далолатнома, агар она болани қолдириб кетган ва она тўғрисида зарур маълумотлар мавжуд бўлмаган тақдирда (паспорт, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ва ҳоказолар тақдим этилмаганда) тузилади. Далолатнома соғлиқни сақлаш муассасасининг мансабдор шахслари томонидан тузилади ва ушбу муассаса раҳбари томонидан тасдиқланади.

Соғлиқни сақлаш муассасаларида тузиладиган далолатнома намунаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

16. Соғлиқни сақлаш муассасаларида бола қолдириб кетилганлиги тўғрисида тузилган далолатнома етти кун мобайнида соғлиқни сақлаш муассасаси жойлашган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органига берилади.

17. Агар ўлимни рўйхатдан ўтказишда ёки вафот этган деб эълон қилишда ота-онасининг қаровисиз қолган болалар мавжудлиги маълум бўлиб қолса, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органлари мудирлари етти кун мобайнида ушбу маълумотларни васийлик ва ҳомийлик ҳудудий органига тақдим этадилар.

18. Тегишли маълумотларни олгандан кейин васийлик ва ҳомийлик органлари

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ иш кўради.

III. Яқунловчи қоидалар

19. Ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаганлик ёки қасддан ёлғон маълумотлар тақдим этганлик учун мансабдор шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

201 Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 1 майдаги ПФ-3993-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси негизида Ўзбекистон Республикаси барча адвокатларининг мажбурий аъзолигига асосланган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ташкил этилиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг илова қилинаётган ташкилий тузилмасига мувофиқ Конференция Палатанинг юқори органи, Бошқарув — ижро этувчи органи, Тафтиш комиссияси эса молиявий назорат органи ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг раиси ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тақдимномасига кўра Конференция сайлаган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Бошқаруви аъзолари орасидан беш йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Конференцияси томонидан сайланади;

Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида юридик шахс мақомига эга бўлган, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси томонидан тасдиқланадиган низомлар асосида фаолият кўрсатадиган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари ташкил этилади;

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармаларининг раҳбарлари (тегишли ҳудудда фаолият кўрсатаётган адвокатлар орасидан) Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси билан биргаликда икки ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг таъсис Конференциясини

ўтказсин, унда устав тасдиқланишини, Бошқарув ва Тафтиш комиссияси шакллантирилишини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг раиси ва унинг ўринбосарлари сайланишини назарда тутсин;

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

3. Қуйидагилар:

адвокатларнинг Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Конференцияси томонидан белгиланадиган миқдордаги кириш ва аъзолик бадаллари;

конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

Кўрсатиб ўтилган маблағлардан фақат Палатанинг уставдаги фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланилади ҳамда улар Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси аъзолари ўртасида тақсимланмайди.

4. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг жойлаштирилишини таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармаларининг жойлаштирилишини таъминласинлар.

5. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасини зарур алоқа воситалари, шу жумладан Ҳукумат алоқаси воситалари билан таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.


**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 27 май,
112-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 27 майдаги 112-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

202 Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида

«Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси деб аталади) барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан республика ҳудудида саноат ва радиация хавфсизлигига, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатлари ва норматив-техник ҳужжатларга, шунингдек давлат томонидан тартибга солишнинг бошқа чора-тадбирларига риоя этилиши устидан давлат

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

назоратини белгиланган тартибда амалга оширувчи саноат хавфсизлиги соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи этиб белгилансин.

2. «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясига саноат хавфсизлиги, саноат хавфсизлиги соҳасида фаолият кўрсатувчи мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича эксперт ташкилотларни аккредитация қилиш вазифаси юклансин.

3. Ўзбекистон Республикаси «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси марказий аппаратининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 10 июлдаги 323-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 7-сон, 64-модда) 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Р. Шоисматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 29 май,
114-сон


—

+

+

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 29 майдаги 114-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар
олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси марказий аппаратининг
ТУЗИЛМАСИ**



Марказий аппарат ходимларнинг чекланган сони: ҳаммаси — 26 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари — 19 нафар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 29 майдаги 114-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
«Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда
ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат
инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил
10 июлдаги 323-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчалар**

1. 1-банднинг иккинчи хатбошидаги «ва марказий аппарати тузилмаси» сўзлари чиқариб ташлансин, «1 ва 2-иловаларга» сўзлари «1-иловага» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 2-банднинг иккинчи хатбошидаги «умумий» сўздан олдин «чекланган» сўзи қўшилсин.

3. 1-иловада:

«Нефть ва газ саноатини назорат қилиш» блокадаги «Нефть ва газ» сўзлари «Нефть-газ» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Ер ости бойликларини муҳофаза қилишни, минерал хом ашёни қайта ишлашни назорат қилиш ва геология-маркшейдерлик назорати инспекцияси» блокадаги «хом ашёни» сўзларидан кейин «хавфсиз» сўзи қўшилсин;

«Геология-разведка ишларини назорат қилиш инспекцияси» блокадаги «ишларини» сўздан кейин «бехатар олиб боришни» сўзлари қўшилсин;

«Техник кўмаклашиш ва хизмат кўрсатиш маркази**» блокадаги «техник» сўзи чиқариб ташлансин, «ва хизмат кўрсатиш» сўзлари «саноат хавфсизлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Қарши МКТИ» блокадаги «Қарши» сўзи «Қашқадарё» сўзи билан алмаштирилсин.

4. 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисидаги низомда (3-илова):

а) 1-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси («Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси) барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан республика ҳудудида саноат ва радиация хавфсизлигига, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатлари ва норматив-техник ҳужжатларга, шунингдек давлат томонидан тартибга солишнинг бошқа чора-тадбирларига риоя этилиши устидан давлат назоратини белгиланган тартибда амалга оширувчи саноат хавфсизлиги соҳасидаги махсус ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади»;

б) 4-банддаги «хавфсизлик техникаси, назорат остидаги объектларнинг техник хавфсизлиги» сўзлари «саноат ва радиация хавфсизлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 8-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«юридик ва жисмоний шахслар томонидан саноат ва радиация хавфсизлиги соҳасидаги, газ таъминоти ва газдан фойдаланиш, ер ости бойликларидан фойдала-

ниш ва уларни муҳофаза қилиш, минерал хом ашёни қайта ишлаш ва металлургия жиҳатидан саралаш, геология-қидирув ишлари, шунингдек кон ишларини геология-маркшейдерлик хизмати билан таъминлаш бўйича қонун ҳужжатлари ва норматив-техник ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши устидан давлат назоратини амалга ошириш»;

учинчи хатбошидаги «саноатда ва кончиликда ишларнинг» сўзлари «саноат ва радиация хавфсизлиги ишларининг, шунингдек» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «техник хавфсизлик» сўзлари «саноат ва радиация хавфсизлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «ишларнинг бехатар олиб борилишини» сўзлари «саноат ва радиация хавфсизлигини» сўзлари билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошидаги «техник ҳужжатларни» сўзлари «норматив-техник ҳужжатларни» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги тўққизинчи ва ўнинчи хатбоши қўшилсин:

«саноат хавфсизлигини экспертизадан ўтказиш, саноат хавфсизлиги соҳасида фаолият кўрсатувчи мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимларини жорий этиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши ва ривожлантирилишини таъминлаш;

саноат хавфсизлигини экспертизадан ўтказиш тартибини ва экспертиза хулосаларини расмийлаштириш талабларини белгилаш»;

г) 9-бандда:

учинчи хатбошига «ускуналар» сўзидан кейин «лойиҳалаштирилиши, тайёрланиши» сўзлари қўшилсин;

ўнинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«кон қазувчи ва қайта ишловчи корхоналарнинг геология-қидирув ишлари лойиҳаларини, техник лойиҳаларини, ишларни бехатар олиб бориш юзасидан техник ечимларга доир кон ишлари режаларини, фойдали қазилмаларни қидириш ва қазиб олишда, минерал хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлашда фойдали қазилмаларнинг камайиши ва майдалашуви нормативларини келишиб олади»;

ўн олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўн еттинчи — йигирма тўртинчи хатбоши ўн олтинчи — йигирма учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

ўн еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«саноат ва радиация хавфсизлиги ҳамда ер ости бойликларини муҳофаза қилиш соҳасида хавфли ишлаб чиқариш объектлари ходимларини тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тартибини белгилайди»;

ўн тўққизинчи хатбошида «беради» сўзи «кўриб чиқади ва тасдиқлайди» сўзлари билан алмаштирилсин;

йигирма биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«саноат хавфсизлиги масалалари, саноат хавфсизлиги соҳасида эксперт ташкилотларини аккредитация қилиш ва Давлат инспекцияси ваколатига кирадиган бошқа масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва норматив техник ҳужжатларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда қабул қилади»;

қуйидаги мазмундаги йигирма тўртинчи — ўттиз учинчи хатбоши қўшилсин:

«хавфли ишлаб чиқариш объектлари давлат реестрида хавфли ишлаб чиқариш объектлари ҳисобини юритади;

ташкilotларнинг хавфли ишлаб чиқариш объектини ишлатишга тайёрлигини ҳамда хавфли ишлаб чиқариш объектидаги аварияларнинг тарқалишини чеклаш ва оқибатларини тугатишга доир саъй-ҳаракатларини текширади;

хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги экспертизасини ташкил этади;

саноат хавфсизлиги соҳасида эксперт ташкилотлари аккредитациясини белгиланган тартибда амалга оширади;

саноат хавфсизлиги экспертизаси натижаси бўйича эксперт хулосаларни тасдиқлайди;

саноат хавфсизлиги декларациялари тўғри ишлаб чиқилиши ва тақдим этилиши мониторингини олиб боради;

ишлаб турган ва қурилаётган хавфли ишлаб чиқариш объектларида саноат хавфсизлигини декларациялашнинг ўтказилишини назорат қилади;

хавфли ишлаб чиқариш объектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказилганлиги учун мажбурий жавобгарликни суғурта қилишда хулоса беради;

юқори техноген хавфли зоналарнинг давлат кадастри юритилишини мувофиқлаштиради;

меҳнат хавфсизлиги ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш, назорат фаолиятини такомиллаштириш, авариялар ва ишлаб чиқаришда майиб бўлишнинг олдини олиш зарурлигини тарғиб қилади»;

д) 10-банднинг тўққизинчи хатбошида «барпо этиш» сўзларидан кейин «лойиҳалаш» сўзи қўшилсин;

е) 11-бандда:

учинчи хатбошида «ишларни бехатар олиб бориш ва ер ости бойликларини муҳофаза қилишга оид қоидалар ва нормаларни» сўзлари «саноат ва радиация хавфсизлиги ҳамда ер ости бойликларини муҳофаза қилиш талабларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«саноат ва радиация хавфсизлиги талаблари бузилган ҳолда олиб борилаётган ишларни белгиланган тартибда тўхтатиб туриш, шунингдек одамлар ҳаёти хавф остида қолганда ёки авария ҳолати вужудга келганда уларни иш жойларидан чиқариш, иш жойларини ёки ускуналарини муҳрлаб қўйиш»;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ҳамда саноат ва радиация хавфсизлиги талабларини бузганлик учун мансабдор шахслар ва фуқароларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида маъмурий жавобгарликка тортиш»;

қуйидаги мазмундаги саккизинчи — ўнинчи хатбоши қўшилсин:

«Давлат инспекцияси ваколатига кирадиган масалалар бўйича хавфли ишлаб чиқариш объектларини ишлатадиган ташкилотларнинг раҳбарлари ҳисоботларини эшитиш;

саноат хавфсизлигини экспертиза қилиш ҳуқуқини берадиган аккредитациялаш аттестатининг амал қилишини бекор қилиш ва тўхтатиб туриш;

саноат хавфсизлигини экспертиза қилиш бўйича аккредитация қилинган ташкилотлар фаолиятини инспекцион назорат қилиш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш»;

саккизинчи — ўн еттинчи хатбоши ўн биринчи — йигирманчи хатбоши деб ҳисоблансин;

ўн биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ўз назорати остидаги корхоналар ва давлат бошқаруви органлари раҳбарларига саноат ва радиация хавфсизлиги ҳамда ер ости бойликларини муҳофаза қилиш

қоидалари, йўриқномалари ва бошқа норматив-техник ҳужжатлар талабларини бузувчи шахсларни эгаллаб турган лавозимидан белгиланган тартибда бўшатиш ёки ишларга техник раҳбарлик қилиш ҳуқуқидан бир йилгача муддатга маҳрум этиш тўғрисида тақдимнома киритиш»;

ўн бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«тайёрловчи заводларда ва таъмирлаш корхоналарида ўз назорати остидаги саноат тармоқлари учун асбоб-ускуналарнинг саноат хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини текшириш, улар стандартлар, саноат хавфсизлиги талабларига ҳамда тасдиқланган лойиҳа ечимларига мувофиқ бўлмаган тақдирда уларнинг ишлаб чиқарилишини тўхтатиб қўйиш ва қўлланишини тақиқлаш»;

ж) 18-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«18. Хавфли ишлаб чиқариш объектларини ишлатиш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштириш учун Давлат инспекцияси ҳузурида Давлат инспекцияси бошлиғи бошчилик қиладиган Саноат хавфсизлиги бўйича идоралараро кенгаш ташкил этилади. Саноат хавфсизлиги бўйича идоралараро кенгашнинг шахсий таркиби ва Кенгаш тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда Давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланади»;

з) қўйидаги мазмундаги 19-банд қўшилсин:

«19. Давлат инспекциясида таркибига Давлат инспекцияси бошлиғи (ҳайъат раиси), унинг ўринбосари, шунингдек Давлат инспекциясининг бошқа раҳбар ходимлари кирадиган 5 кишидан иборат ҳайъат ташкил этилади. Ҳайъатнинг шахсий таркиби Давлат инспекцияси бошлиғининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ҳайъат ўзининг мунтазам ўтказиладиган мажлисларида саноат ва радиация хавфсизлиги соҳасида давлат назоратини такомиллаштириш, идоравий мансуб ташкилотларга амалий раҳбарлик қилиш, қарорлар бажарилишини текшириш, кадрларни танлаш ва улардан фойдаланиш масалаларини кўриб чиқади, Давлат инспекциясининг ваколатига кирадиган масалалар бўйича идоравий мансуб ва назорат остидаги ташкилотларнинг раҳбарлари ҳисоботларини эшитади.

Ҳайъат мажлисига Давлат инспекцияси ваколатига кирадиган масалалар бўйича вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари таклиф этилиши мумкин»;

и) 19-20-бандлар тегишли равишда 20-21-бандлар деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ**203 Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институти фаолиятини ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2007 йил 5 сентябрдаги ПҚ-691-сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг барча бино ва иншоотлар комплекси қурилишини, реконструкция қилинишини, капитал таъмирланишини, зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланишини ўз вақтида тугаллаш, шунингдек унинг 2008-2009 ўқув йили бошлангунгача фойдаланишга топширилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2007 йил 5 сентябрдаги ПҚ-691-сон қарорига мувофиқ Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти 5 йил муддатга, шу жумладан институтни жиҳозлаш ва фаолият кўрсатиши учун республикага келтирилаётган асбоб-ускуналар, мультимедий маҳсулотлари, адабиётлар, инвентарлар ва моддий-техника ресурсларини олиб киришда солиқларнинг барча турларидан ва божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод қилинганлиги;

«Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти» объекти бўйича «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» очик акциядорлик жамияти — бош лойиҳачи, «12-трест» очик акциядорлик жамияти — бош пудратчи этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. «Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти» объекти бўйича бош лойиҳачи ва бош пудратчилар томонидан бажариладиган ва буюртмачиларга — Ўзбекистон банклар ассоциацияси ва Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтига тўлов учун тақдим қилинадиган лойиҳа-қидирув ва қурилиш ишлари учун қўшилган қиймат солиғи бўйича «ноль ставкаси» қўлланилсин.

3. «Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти» объекти бўйича бош пудратчи ва унинг субпудратчи ташкилотлари, истисно тариқасида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича ушбу объектни реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун улар томонидан келтириладиган асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари ва мебеллар учун божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 31 май,
115-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI VAZIRLAR MAХKAMACIНИНГ
ҚАРОРИ**204** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида («Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелдаги ЎРҚ–154-сон Қонуни)

«Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелдаги ЎРҚ–154-сон Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.
2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 2 июнь,
117-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 2 июндаги 117-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим
қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 19 августдаги 423-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси консуллик йиғимлари тарифларига изоҳларнинг 6-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Одам савдоси қурбони бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари уларнинг шахсини аниқлаш (уларда Ўзбекистон Республикаси фуқароси шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда) ва уларга Ўзбекистон Республикасига қайтиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича хатти-ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ консуллик йиғимлари ва бошқа йиғимларни тўлашдан озод қилинадилар».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 4-сон, 18-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги низом иккинчи қисмининг 4-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Мактабгача таълим, умумтаълим, даволаш муассасалари, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уй-жой хўжалиги органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, вояга етмаганлар иши бўйича комиссиялар, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатувчи ва уларни ҳимоя қилувчи ихтисослаштирилган муассасалар ва бошқа муассасалар, шунингдек фуқаролар васийлик ва ҳомийлик органларига:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

ота-онаси ёки фарзандликка олувчилари бўлмаган болалар тўғрисида;
ота-онаси ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган болалар тўғрисида;
ота-онасининг тарбиясида бўлиши болалар манфаатларига зид бўлганда, шунингдек уларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун бевосита таҳдид мавжуд бўлган болалар тўғрисида;

ота-онаси 6 ойдан ортиқ йўқ бўлган болалар тўғрисида, агар бу болаларнинг манфаатлари учун зарур бўлса;

ота-онасининг касаллиги сабабли ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисида;

ота-онаси уларни тарбиялаш, даволаш муассасаларидан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларидан ва бошқа шунга ўхшаш муассасалардан олишдан бош тортган болалар тўғрисида;

одам савдосидан жабрланган болалар тўғрисида;

суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомалага лаёқати чекланган деб эътироф этилган шахслар тўғрисида;

соғлиғи туфайли ҳомий тайинланишига муҳтож бўлган вояга етган муомалага лаёқатли шахслар тўғрисида маълумотлар беришга мажбурдирлар».

—

+

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ,
РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

205 Монополист бирлашмалар (корхоналар) давлат реестрини тузиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
27 майда 1064-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 6 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Қонунига асосан ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 майдаги ПҚ–66-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг «Монополист бирлашмалар (корхоналар) давлат реестрини тузиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2001 йил 21 августдаги 7-сонли қарорига (2001 йил 15 сентябрь, рўйхат рақами 1064) иловага* биноан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Монополиядан чиқариш, рақобат ва
тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш
давлат қўмитаси раиси в.б.**

Б. УЛАШОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 25 апрель,
7-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ BAZИPЛAP MAХҚAMACИ
ХУЗУРИДАГИ «ЎЗАРХИВ» АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУФИ

206 Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга тааллуқли ижтимоий-ҳуқуқий ҳужжатларни талаб қилиб олиш бўйича хориждан келиб тушган сўровномаларни ижро қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
28 майда 373-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 7 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Архивлар тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 3 февралдаги 49-сон қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга тааллуқли ижтимоий-ҳуқуқий ҳужжатларни талаб қилиб олиш бўйича хориждан келиб тушган сўровномаларни ижро қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (1997 йил 5 ноябрь, рўйхат рақами 373) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ўн кун ўтгач кучга киради.

**«Ўзархив» агентлиги
Бош директори**

А. АБДУЛЛАЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 28 апрель,
10-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ «ЎЗАРХИВ» АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

207 Ўзбекистон Республикаси давлат архивлари ўқув хоналарида фойдаланувчиларнинг ишлаш қоидала- рига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
28 майда 1053-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 7 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида» ҳамда
«Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси давлат архивлари ўқув хоналарида фойдаланув-
чиларнинг ишлаш қоидаларига (2001 йил 20 июль, рўйхат рақами 1053 — Меъё-
рий ҳужжатлар ахборотномаси 2001 й., 14-сон) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва
қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхати-
дан ўтказилгандан сўнг ўн кун ўтгач кучга киради.

+

**«Ўзархив» агентлиги
Бош директори**

А. АБДУЛЛАЕВ

-

Тошкент ш.,
2008 йил 28 апрель,
11-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАДА НАЗОРАТ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ
«ЎЗДАВЭНЕРГОНАЗОРAT» БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

208 Энергетика ишлаб чиқариш корхоналарида ходимлар билан ишлашни ташкил этиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
28 майда 1178-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 7 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги 96-сонли қарори билан тасдиқланган Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси («Ўздавэнергоназорат» инспекцияси) тўғрисидаги низомга асосан **буюраман:**

1. «Ўздавэнергоназорат» агентлигининг 2002 йил 10 сентябрдаги 433-сон буйруғи билан тасдиқланган «Энергетика ишлаб чиқариш корхоналарида ходимлар билан ишлашни ташкил этиш қоидалари»га (2002 йил 4 октябрь, рўйхат рақами 1178 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 йил, 19-сон) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

**«Ўздавэнергоназорат» давлат
инспекция бошлиғи**

Б. ФУЛОМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 30 апрель,
84-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

209 Захираларни шакллантириш учун зарур бўлган озиқ-
овқат товарларини сотиш тартиби тўғрисидаги ни-
зомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
28 майда 1816-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 7 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат даромадига ўтка-
зиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғриси-
даги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2004 йил 25 мартдаги 140-сон қарорига (Ўзбекис-
тон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 12-сон, 144-модда) муво-
фиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Иқти-
содиёт вазирлиги **қарор қилади:**

1. Захираларни шакллантириш учун зарур бўлган озиқ-овқат товарларини со-
тиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйха-
тига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Адлия вазири

Тошкент ш.,
2008 йил 28 май,
7-сон

Р. МУҲИТДИНОВ

**Давлат божхона
қўмитасининг раиси**

Тошкент ш.,
2008 йил 28 май,
01-02/22-40-сон

С. НОСИРОВ

Иқтисодиёт вазири

Тошкент ш.,
2008 йил 28 май,
53-сон

Б. ХОДЖАЕВ

Адлия вазирлиги, Давлат божхона
қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлигининг
2008 йил 28 майдаги 7, 01-02/22-40,
53-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Захираларни шакллантириш учун зарур бўлган озиқ-овқат товарларини сотиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2004 йил 25 мартдаги 140-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 12-сон, 144-модда) мувофиқ захираларни шакллантириш учун зарур бўлган ва давлат даромадига ўтказиладиган озиқ-овқат товарларини сотиш механизмини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Захираларни шакллантириш учун зарур бўлган ва давлат даромадига ўтказиладиган озиқ-овқат товарлари (бундан буён матнда озиқ-овқат товарлари деб юритилади) пулли асосда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига берилади ҳамда савдо ташкилотларининг ихтисослаштирилган омборхоналарида сақланади. Ушбу товарлар фақат Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қарорига кўра сотилади.

Олинган озиқ-овқат товарларидан савдо чегирмасини чиқариб ташлаган ҳолда тушган тўлов Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг бюджетдан ташқари манбаи ҳисобидан амалга оширилади. Пул маблағлари суд ижрочиларининг тегишли бўлимларидаги махсус ҳисоб рақамига озиқ-овқат товарлари савдо ташкилотлари томонидан олинган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай ижро ҳужжатининг тартиб рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда ўтказилади.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳар ойда, мазкур Низомнинг иловасида келтирилган рўйхатдан келиб чиқиб, Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг ҳудудий бошқармаларига юбориладиган озиқ-овқат товарлари номенклатурасини тасдиқлайди.

II. Озиқ-овқат товарларини сотиш шартлари

3. Озиқ-овқат товарларини сотиш билан фақат Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг ҳудудий бошқармалари билан озиқ-овқатни сотиш бўйича хизматлар кўрсатиш шартномаларини тузган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қарори билан танлов асосида белгиланган савдо ташкилотлари шуғулланади.

4. Савдо ташкилотлари томонидан озиқ-овқат товарларини сотиш товарларнинг сақланиш муддатларидан ва бозордаги эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қарорлари нархларнинг асоссиз ўсишини олдини олиш, шунингдек аҳолини вужудга келаётган (ўсаётган) истеъмолчини қониқтириш мақсадида озиқ-овқат бозорларида (деҳқон бозорларида) озиқ-овқатнинг асосий турларига шаклландирган чакана нархларни ўрганиш ва таҳлили асосида қабул қилинади.

5. Тез бузиладиган озиқ-овқат товарларини сотиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 мартдаги 140-сон қарори билан тасдиқланган Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 12-сон, 144-модда) 38-банди билан белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

III. Озиқ-овқат товарларини сақлаш ва сотиш тартиби

6. Озиқ-овқат товарлари ижро ишини юритувчи суд ижрочилари томонидан ихтисослаштирилган омборхоналарга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари вакиллари иштирокида қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида илова қилинадиган юкхати билан бирга-ликда сақлаш учун топширилади.

7. Озиқ-овқат товарлари рўйхатга олиш далолатномасида ёки қабул қилиш-топшириш далолатномасида назарда тутилган тартиб рақамлари, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маълумотлар кўрсатилган ҳолда мувофиқлик сертификатлари (мажбурий сертификатланиши шарт бўлган товарлар бўйича) ва савдо ташкилотининг товар ёрлиқлари билан таъминланиши керак.

8. Озиқ-овқат товарлари тегишли маҳсулот турига қараб норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ сақланиши лозим.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари сақлаш учун топширилган озиқ-овқат товарларининг ҳажмини қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида кўриб чиқади. Кўриб чиқиш натижасига кўра ҳамда товарларнинг сақланиш муддатларидан ва бозордаги эҳтиёждан келиб чиқиб, озиқ-овқат товарларини сотиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан озиқ-овқат товарларини сотиш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг мазкур қарорнинг нусхаси бундай товарлар сақланиши учун топширилган тегишли савдо ташкилотига ижро учун юборилади.

11. Озиқ-овқат товарларини сотиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 3-сон, 27-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

12. Озиқ-овқат товарлари сотилишидан тушадиган тушим савдо ташкилотлари томонидан уч кун муддат ичида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг махсус ҳисоб рақамига савдо чегирмасини чиқариб ташлаган ҳолда ўтказилади.

Тушган суммани ўтказиш муддати кечиктирилган тақдирда савдо ташкилоти кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланадиган сумманинг 0,5 фоизи миқдорида давлат бюджети даромадига пеня тўлайди.

13. Озиқ-овқат товарларини сотадиган савдо ташкилотлари ҳар ойнинг 10 насигача Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент

шаҳар ҳокимликларига сотиш учун олинган озиқ-овқат товарларининг миқдори (ҳажми), нархи ва қолдиғи кўрсатилган озиқ-овқат товарларининг сотилиши ҳолати тўғрисидаги маълумотни бериб боради.

IV. Яқуний қоидалар

14. Мазкур Низом талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

15. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат мулки қўмитаси билан келишилган.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 28 май*

*Давлат мулкни бошқариш
давлат қўмитаси раиси*

Д. МУСАЕВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 28 май*

Захираларни шакллантириш учун зарур
бўлган озиқ-овқат товарларини сотиш
тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Захираларни шакллантириш учун зарур бўлган озиқ-овқат товарларининг РЎЙХАТИ

1. Гўшт
2. Шакар
3. Ун
4. Крупа, шу жумладан гуруч
5. Макарон маҳсулотлари
6. Ўсимлик ёғи
7. Чой
8. Ҳайвон ёғи
9. Маргарин
10. Болалар парҳез таоми

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУҒИ**210** **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Давлат реестридан
чиқариш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
29 майда 1817-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 8 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига Давлат реестридан чиқариш учун тақдим этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳуқуқий экспертиза қилиш натижаси бўйича 2008 йил 28 майдаги хулосага ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон ва «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2000 йил 19 майдаги 197-сон қарорларига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2008 йил 15 майдаги 1316/803-сон хатини инобатга олган ҳолда,
буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик темир йўл компанияси томонидан 1999 йил 2 ноябрда 151-В-сон билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 6 январда 867-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Ўзбекистон Республикасида норезидентларга эркин алмаштириладиган валютада халқаро йўловчи ташиш учун темир йўл чипталарини сотиш тартиби» Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Давлат реестридан чиқарилсин ва бу ҳақида мазкур Давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциянерлик темир йўл компаниясига мазкур ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестридан чиқарилганлигини барча манфаатдор шахслар эътиборига етказиши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Хасанов) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Давлат реестридан чиқарилганлигини барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши устидан назоратни таъминласин.

4. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (А. Инанбаев) ушбу буйруқни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Е. Канъязов зиммасига юклансин.

Адлия вазири

Р. МУҲИТДИНОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 29 май,
118-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MOЛИЯ BAZИРИНИНГ
БУЙРУФИ**211** Пеняларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги сертификатларни чиқариш, ҳисобга олиш, сақлаш ва бериш вақтинчалик тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
29 майда 550-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 8 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 18 майдаги 127-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 4 ноябрдаги 462-сонли «Аҳолининг уй-жой коммунал хизматлар ва электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилишларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ўз кучини йўқотганлиги муносабати билан **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 25 ноябрда 62-сон билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан 1998 йил 24 ноябрда 03N-25/1168-сон ва Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги томонидан 1998 йил 19 ноябрда НР-01-21/1776-сон билан келишилган Пеняларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги сертификатларни чиқариш, ҳисобга олиш, сақлаш ва бериш вақтинчалик тартиби (1998 йил 28 ноябрь, рўйхат рақами 550) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган кундан ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

3. Ушбу буйруқ Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ва «Ўзбекэнерго» ДАК билан келишилган.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 26 май,
52-сон

Келишилган:

**Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат»
агентлиги бош директори**

Ў. ХАЛМУХАМЕДОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 26 май

**«Ўзбекэнерго» ДАК
бошқаруви раиси**

Б. ТЕШАБОЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 26 май

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

**212 2008 йилда олий таълим муассасаларига фoизсиз
бюджет ссудаларини ажратиш тартиби тўғрисидаги
низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
29 майда 1818-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 8 июндан кучга киради)

Бюджетдан ташқари даромадлар ва харажатлар ўртасидаги вақтинчалик тафовутларни қоплаш учун олий таълим муассасаларига молиявий кўмак бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги **қарор қилади:**

1. 2008 йилда олий таълим муассасаларига фoизсиз бюджет ссудаларини ажратиш тартиби тўғрисидаги низоми иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан ўн кун ўтгач кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 28 май,
60-сон

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

А. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 28 май,
152-1-сон

Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлигининг 2008 йил 28 майдаги
60, 152-1-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**2008 йилда олий таълим муассасаларига фoизсиз бюджет
ссудаларини ажратиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Ушбу Низом олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари даромадлар ва харажатлар ўртасидаги вақтинчалик тафовутларни қоплаш учун 2008 йилда олий таълим муассасаларига фoизсиз бюджет ссудаларини ажратиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Фоизсиз бюджет ссудаларини (бундан кейинги ўринларда бюджет ссудалари деб юритилади) ажратиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан фақат иш ҳақи, ягона ижтимоий тўлов ва стипендиялар тўлаш бўйича харажатларни қоплаш учун ажратилади.

2. Олий таълим муассасаларига бюджет ссудалари ўз тизимида бўлган тегишли вазирлик ва идоранинг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ёзма талабномаларига мувофиқ ажратилади.

3. Бюджет ссудаларининг манбаи бўлиб республика бюджети даромадларининг белгиланган режага нисбатан орттириб бажарилган қисми ҳисобланади.

II. Бюджет ссудаларини ажратиш учун талабномаларни тақдим этиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби

4. Бюджет ссудаларини ажратиш учун талабномалар билан муурожаат қилиш учун асос бўлиб мазкур Низомнинг 1-бандида кўрсатиб ўтилган харажатларни қоплаш учун олий таълим муассасаларининг улар томонидан тўлов-контракт асосида ўқитиш бўйича хизматлар кўрсатиш ҳисобидан шаклландиган бюджетдан ташқари маблағларининг етишмаслиги ёки мавжуд эмаслиги ҳисобланади.

Бюджет ссудасини ажратиш учун талабнома мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ тақдим этилади.

5. Бюджет ссудаси ажратиш тўғрисидаги ёзма талабномага тегишли олий таълим муассасасининг раҳбари, бош бухгалтери ва молия-режа бўлими бошлиғининг имзолари билан тасдиқланган бюджет ссудасига бўлган эҳтиёжнинг асослантирилган ҳисоб-китоблари илова қилинади.

Бюджет ссудасига бўлган эҳтиёжнинг ҳисоб-китоблари мазкур Низомнинг 2-иловасидаги келтирилган шаклга мувофиқ тақдим этилади.

6. Бюджет ссудаларини ажратиш тўғрисидаги талабномаларни кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан бюджет ссудасини ажратиш учун зарур ҳужжатлар тақдим қилинган кундан бошлаб етти иш куни ичида амалга оширилади. Муурожаатларни кўриб чиқишда олий таълим муассасаси бўйича 2008 йилда кутилаётган бюджетдан ташқари маблағларнинг камомади ҳисобга олинади.

7. Зарурат туғилганда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тегишли қарор қабул қилиш учун қўшимча маълумот ва ҳисоб-китоблар сўралиши мумкин.

8. Бюджет ссудаси ажратилиши учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш натижаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклга мувофиқ хулоса расмийлаштирилади.

Ижобий хулосада ажратилиши таклиф этилаётган бюджет ссудасининг миқдори кўрсатилади.

Салбий хулосада бюджет ссудаси ажратилмаслигининг аниқ сабаблари ва асослари кўрсатилади.

9. Бюджет ссудаси ажратилиши рад этилганлиги ҳақида олий таълим муассасаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан салбий хулоса расмийлаштирилгандан сўнг рад этилишининг аниқ сабаблари ва асослари кўрсатилган ёзма хабардор этилади.

III. Бюджет ссудасини ажратиш тартиби

10. Ижобий хулоса мавжудлигида Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг буйруғи билан расмийлаштириладиган олий таълим муассасасига бюджет ссудасини ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

11. Бюджет ссудаси ажратиш тўғрисидаги қарор қабул қилингандан сўнг мутасадди молия вазирининг ўринбосари ва таркибида олий таълим муассасаси бўлган тегишли вазирлик ёки идоранинг раҳбари ўринбосари ҳамда олий таълим муассасасининг раҳбари имзолари билан тасдиқланадиган бюджет ссудасини ажратиш тўғрисида шартнома тузилади.

12. Бюджет ссудасини қайтариш муддатлари ссуда қайтарилишининг 2011 йилдан бошланишини назарда тутадиган ва бюджет ссудаси ажратилиши тўғрисидаги шартноманинг иловаси ҳисобланадиган қайтариш жадвалига мувофиқ белгиланади.

13. Ажратилган бюджет ссудаси суммаси олий таълим муассасаси ҳисобига тегишли вазирлик ва идораларнинг бюджет ссудаси маблағларини ажратиш талабларига мувофиқ ҳар ой қисмларга бўлиб ўтказиб берилади.

14. Ажратилган бюджет ссудаси маблағлари олий таълим муассасаларига хизмат кўрсатувчи банкларда очиладиган талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисоб рақамига бюджет ссудасини ажратиш тўғрисидаги шартномада белгиланган муддатларда ўтказиб берилади.

IV. Бюджет ссудасининг қайтарилиши

15. Бюджет ссудасини қайтариш қатъий равишда бюджет ссудасини ажратиш тўғрисидаги шартноманинг иловасида келтириладиган қайтариш жадвалида кўрсатилган муддатларда амалга оширилади.

16. Олий таълим муассасалари томонидан бюджет ссудалари ўз вақтида қайтарилмаганда қарздорликни ундириш олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари ҳисоб рақамидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Бюджет ссудасини қайтариш муддатлари бузилганда ҳар бир кечиктирилган кун учун ўз вақтида қайтарилмаган бюджет ссудаси суммасининг 0,05 фоизи миқдоридан жарима солинади.

V. Бюджет ссудаларини қайтариш муддатларини узайтириш

17. Бюджет ссудаларини қайтариш муддатини узайтириш олий таълим муассасасида ссудани қайтариш имкониятини инкор этувчи молиявий қийинчиликлар юзага келган ҳолларда амалга оширилади. Бюджет ссудасини қайтариш муддатини узайтириш масаласи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг раҳбарияти томонидан кўриб чиқилади. Бюджет ссудасини қайтариш муддатини узайтириш ҳақидаги билдирги олий таълим муассасаси томонидан берилади ва мазкур Низомнинг II-бўлимида ўрнатилган тартибда кўриб чиқилади. Кўрсатилган билдирги бюджет ссудасини қайтариш муддати бошлангунга қадар камида икки ҳафта олдин киритилиши лозим.

18. Бюджет ссудасини қайтариш муддатини узайтириш мазкур Низомда бюджет ссудасини ажратиш учун белгиланган тартиб ва шартлар асосида расмийлаштирилади.

Бунда бюджет ссудасини ажратиш тўғрисидаги шартномага қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилади.

19. Бюджет ссудасини қайтариш муддати узайтирилганда қайтариш муддати узайтирилган бюджет ссудасидан фойдаланиш учун фоиз тўланиши назарда тутилмайди.

VI. Бюджет ссудаси олувчиларининг жавобгарлиги

20. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига бюджет ссудасини ажратиш учун киритиладиган талабномаларнинг тўғрилиги ва асослантилганлиги, шунингдек ажратилган бюджет ссудасини мақсадли сарфланиши ва ўз вақтида қайтарилишига олий таълим муассасалари ҳамда таркибида ушбу муассасалар бўлган тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари шахсий жавобгардир.

21. Ажратилган бюджет ссудаларидан мақсадсиз фойдаланилганлик фактлари аниқланганда тегишли олий таълим муассасалари, шунингдек таркибида ушбу муассасалар бўлган вазирлик ва идоралар раҳбарлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар. Мақсадсиз фойдаланилган бюджет ссудаси маблағи муддатидан олдин ундириб олинади.

VII. Яқуний қоидалар

22. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар ва олий таълим муассасалари бюджет ссудасини ажратиш даврида ҳамда унинг қайтарилиши муддати мобайнида белгиланган тартибда ҳар чоракда камида бир маротаба ажратилаётган бюджет ссудалари бўйича қарздорликнинг солиштирама далолатномаларини тузади.

23. Олий таълим муассасалари томонидан бюджет ссудаси маблағларини ўзлаштирилишини мониторинг қилиш зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат бюджети Бош бошқармасига бюджет ссудалари маблағларини ажратиш муддатлари ва миқдорларини аниқлаштириш бўйича таклифлар кириштиш ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ижтимоий соҳа ва фанни молиялаштириш Бош бошқармаси томонидан амалга оширилади.

24. Ажратилган бюджет ссудаларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш ус-тидан текширишлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш Бош бошқармаси томонидан тизимли равишда амалга оширилади.

Жадвалнинг давоми

минг. сўм

| шу жумладан | | | | | | | | | | | |
|-------------|-------------|----------------|---------|--------|-------------|----------------|---------|----------|-------------|----------------|---------|
| июль | | | | август | | | | сентябрь | | | |
| жами | шу жумладан | | | жами | шу жумладан | | | жами | шу жумладан | | |
| | иш ҳақи | стипен- дия | ажратма | | иш ҳақи | стипен- дия | ажратма | | иш ҳақи | стипен- дия | ажратма |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |

+

2008 йилда олий таълим муассасаларига
физсиз бюджет ссудаларини ажратиш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

иш ҳақи, ягона ижтимоий тўлов ва стипендия харажатларини қоплаш учун бюджет ссудасига талаб бўйича
ҲИСОБ-КИТОБ

(олий таълим муассасаси номи)

минг. сўм

| № | Кўрсаткичлар | Муассаса томонидан ҳисобланган | | | | | 31 май ҳолатига жами қарз- дорлик**** |
|------------|--|--|--------------------|-------------|-----|---|---|
| | | 2008 йил 1 январь ҳолатига кредитор қарздорлик | Жами харажатлар | шу жумладан | | | |
| | | | 1-чорак | апрель | май | | |
| I. | ДАРОМАДЛАР, жами | | | | | | |
| 1.1. | 01.01.08 й.га ўтган қолдиқ | | | | | | |
| 1.2. | 2008 йил 1 март ҳолатига тушум (2007/2008 ўқув йили учун)* | | | | | | |
| II. | ХАРАЖАТЛАР, ҳаммаси | | | | | | |
| | касса харажатлари | x | | | | x | |
| | ҳақиқий харажатлар | x | | | | x | |
| | <i>шу жумладан:</i> | x | x | x | x | x | |
| 2.1. | Иш ҳақи | | x | x | x | | |
| | касса харажатлари | x | | | | x | |
| | ҳақиқий харажатлар | x | | | | x | |
| 2.2. | Стипендия | | x | x | x | | |
| | касса харажатлари | x | | | | x | |
| | ҳақиқий харажатлар | x | | | | x | |
| 2.3. | Иш ҳақига ажратмалар | | x | x | x | | |
| | касса харажатлари | x | | | | x | |
| | ҳақиқий харажатлар | x | | | | x | |
| 2.4. | 4-гуруҳ харажатлари | | x | x | x | | |
| | касса харажатлари | x | | | | x | |
| | ҳақиқий харажатлар | x | | | | x | |
| | 2008 йил 31 май ҳолатида ҳисоб-рақамдаги маблағ қолдиғи** | x | | x | x | x | |

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2008 й.

22-23 (314-315)-сон

— 55 —

212-модда

| № | Кўрсаткичлар | 2008 йил 1 январь ҳолатига кредитор қарздорлик | Жами харажатлар | шу жумладан | | | минг. сўм |
|---|---|--|-----------------|-------------|--------|-----|-------------------------------------|
| | | | | 1-чорақ | апрель | май | 31 май ҳолатига жами қарздорлик**** |
| | 2008 йил 31 май ҳолатида маблағларнинг етишмовчилиги (-), ортиқчилиги (+) *** | х | | х | х | х | х |

* Даромадларга талабалар томонидан 2007/2008 йилда ўқитишнинг тўлиқ қийматини ўз вақтида тўламаганлик юзасидан тушиши кутилаётган маблағлар, шунингдек бошқа тушумлар ҳам киритилиши лозим.

** жами даромад (айирув) жами касса

*** жами даромад (айирув) жами ҳақиқий харажатлар (айирув) 2008 йил 1 январь ҳолатига кредитор қарздорлик

**** касса (айирув) ҳақиқий харажатлар (айирув) 2008 йил 1 январь ҳолатига кредитор қарздорлик

Ректор

Ф.И.О.

ОТМ бош ҳисобчиси

Ф.И.О.

ОТМ молия-режа бўлими бошлиғи

Ф.И.О.

Мухр ўрни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

213 **Жисмоний шахслар номига жўнатиладиган товарларга нисбатан божхона тўловларини ҳисоблаш ва ундириш бўйича Тушунтиришни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
30 майда 549-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 9 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, «Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддаси, «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 7-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги 154-сонли «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида» ва 2002 йил 26 июлдаги 267-сонли «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Молия вазирлигининг 1998 йил 19 ноябрдаги 39 ва 04-02-05/776-сонли қарори билан тасдиқланган «Жисмоний шахслар номига жўнатиладиган товарларга нисбатан божхона тўловларини ҳисоблаш ва ундириш бўйича Тушунтириш» (1998 йил 25 ноябрь, рўйхат рақами 549) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2008 йил 20 май,
01-02/8-24-сон

С. НОСИРОВ

Молия вазири

Тошкент ш.,
2008 йил 20 май,
45-сон

Р. АЗИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**214 Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ягона баҳо-
ларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс этти-
риш Тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
30 майда 458-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 9 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2000 йил 16 октябрдаги 124-сонли буйруғи билан тасдиқланган Идоравий меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари (2000 йил 16 октябрь, рўйхат рақами 979)нинг 83-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан 1998 йил 26 июндаги 17-07/62 ва 98-106-сон билан тасдиқланган Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ягона баҳоларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттириш Тартиби (1998 йил 29 июль, рўйхат рақами 458) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2008 йил 27 май,
53-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2008 йил 27 май,
2008-26-сон

Р. АЗИМОВ

Б. ПАРПИЕВ

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР,
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

215 «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил
30 майдаги ПФ–3080 сонли Фармонида кўзда тутил-
ган товарларнинг ТИФ ТН бўйича кодларини тасдиқлаш
тўғрисида»ги қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
30 майда 1170-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 9 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6 ва 7-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги ПФ–3080-сонли «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2002 йил 14 августдаги ЭГ-01/12-3313, 97 ва 02/20-18-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги ПФ–3080-сонли Фармонида кўзда тутилган товарларнинг ТИФ ТН бўйича кодларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (2002 йил 3 сентябрь, рўйхат рақами 1170 — Меъёрий хужжатлар ахборотномаси, 2002 йил 17-18-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан келишилган.

**Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири**

Э. ҒАНИЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 19 май,
ЭГ-01/10-1832-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 19 май,
37-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

С. НОСИРОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 19 май,
01-02/8-22

Келишилган:

*Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш
агентлиги Бош директори*

А. АРИПОВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 19 май*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

216 **Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
31 майда 1080-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 10 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 7 ва 51-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2001 йил 6 октябрдаги 25/4-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида»ги йўриқномага (2001 йил 10 ноябрь, рўйхат рақами 1080) иловага* мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Марказий банк раиси ўринбосари М.Ё. Эшматов зиммасига юклатилсин.

**Марказий банк
Бошқаруви раиси**

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 17 май,
12/1-сон*

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**217** Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низомни қисман ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
3 июнда 662-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 13 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 7, 17 ва 51-моддаларига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Куйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (1999 йил 5 март, рўйхат рақами 662) билан тасдиқланган «Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низом»нинг 4-боби;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (2000 йил 22 февраль, рўйхат рақами 662-1) иловасининг 3, 4 ва 5-бандлари;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (2003 йил 28 март, рўйхат рақами 662-2 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 йил, 5-6-сон).

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

**Марказий банк
Бошқаруви раиси**

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 3 май,
11/4-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий
ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2008 йил 24 майдан 6 июнгача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Монополист бирлашмалар (корхоналар) давлат реестрини тузиш ва юришти тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2008 йил 25 апрелдаги 7-сонли қарори.*

2008 йил 27 майда 1064-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 6 июндан кучга киради).

2. «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга тааллуқли ижтимоий-ҳуқуқий ҳужжатларни талаб қилиб олиш бўйича хориждан келиб тушган сўровномаларни ижро қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги Бош директорининг 2008 йил 28 апрелдаги 10-сонли буйруғи.*

2008 йил 28 майда 373-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 7 июндан кучга киради).

3. «Ўзбекистон Республикаси давлат архивлари ўқув хоналарида фойдаланувчиларнинг ишлаш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги Бош директорининг 2008 йил 28 апрелдаги 11-сонли буйруғи.*

2008 йил 28 майда 1053-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 7 июндан кучга киради).

4. «Энергетика ишлаб чиқариш корхоналарида ходимлар билан ишлашни ташкил этиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси «Ўздавэнергоназорат» бошлигининг 2008 йил 30 апрелдаги 84-сонли буйруғи.*

2008 йил 28 майда 1178-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 7 июндан кучга киради).

5. «Захираларни шакллантириш учун зарур бўлган озиқ-овқат товарларини сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлигининг 2008 йил 28 майдаги 7, 01-02/22-40, 53-сонли қарори.*

2008 йил 28 майда 1816-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 7 июндан кучга киради).

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

6. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Давлат реестридан чиқариш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2008 йил 29 майдаги 118-мҳ-сонли буйруғи.*

2008 йил 29 майда 1817-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 8 июндан кучга киради).

7. «Пеняларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги сертификатларни чиқариш, ҳисобга олиш, сақлаш ва бериш вақтинчалик тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 26 майдаги 52-сонли буйруғи.*

2008 йил 29 майда 550-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 8 июндан кучга киради).

8. «2008 йилда олий таълим муассасаларига фойсиз бюджет ссудаларини ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008 йил 28 майдаги 60, 152-1-сонли қарори.*

2008 йил 29 майда 1818-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 8 июндан кучга киради).

9. «Жисмоний шахслар номига жўнатиладиган товарларга нисбатан божхона тўловларини ҳисоблаш ва ундириш бўйича Тушунтиришни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлигининг 2008 йил 20 майдаги 01-02/8-24, 45-сонли қарори.*

2008 йил 30 майда 549-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 9 июндан кучга киради).

10. «Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ягона баҳоларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттириш Тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 27 майдаги 53, 2008-26-сонли қарори.*

2008 йил 30 майда 458-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 9 июндан кучга киради).

11. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сонли Фармонида кўзда тутилган товарларнинг ТИФ ТН бўйича кодларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 19 майдаги ЭГ-01/10-1832, 37, 01-02/8-22 -сонли қарори.*

2008 йил 30 майда 1170-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 9 июндан кучга киради).

12. «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги Йўриқномага қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 17 майдаги 12/1-сонли қарори.*

2008 йил 31 майда 1080-4-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 10 июндан кучга киради).

13. «Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низомни қисман ўз кучини йўқот-

ган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви*нинг 2008 йил 3 майдаги 11/4-сонли қарори.

2008 йил 3 июнда 662-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 13 июндан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикасида норезидентларга эркин алмаштириладиган валютада халқаро йўловчи ташиш учун темир йўл чипталарини сотиш тартиби. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви*, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 867, 2000 йил 6 январь).

Адлия вазирининг 2008 йил 29 майдаги 118-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. Пеняларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги сертификатларни чиқариш, ҳисобга олиш, сақлаш ва бериш вақтинчалик тартиби. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги* томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 550, 1998 йил 28 ноябрь).

Адлия вазирининг 2008 йил 29 майдаги 119-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

3. Жисмоний шахслар номига келувчи товарлардан божхона тўловларини ҳисоблаш ва ундириш бўйича тушунтириш. *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси*, Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 549, 1998 йил 25 ноябрь).

Адлия вазирининг 2008 йил 30 майдаги 121-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

4. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида ягона нархларда акс эттириш тартиби. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 458, 1998 йил 29 июль).

Адлия вазирининг 2008 йил 30 майдаги 122-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сон Фармонида кўзда тутилган товарларнинг ТИФ ТН бўйича кодларини тасдиқлаш тўғрисида қарор. *Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги*, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1170, 2002 йил 3 сентябрь).

Адлия вазирининг 2008 йил 30 майдаги 123-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

6. Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви* томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 662-2, 2003 йил 28 март).

Адлия вазирининг 2008 йил 3 июндаги 125-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ



ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUZ) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;

— қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;

— тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;

— алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.

излаш натижалари жадвал қаторлари кўрунишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;

— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гурuhlаши;

— ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;

— излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;

— ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;

— ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;

— ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;

— «Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /

респондент ҳужжатлар рўйхати;

— ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;

— ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;

фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;

— излаш шартларини сақлаб қолиш;

— фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

WWW.LEX.UZ

сайтига марҳамат қилинг